

ШОНЛИ ТАРИХ БИЛАН ЯНГИ ИСЛОХОТЛАР ТУТАШГАН ЧОРРАҲА – ХОРАЗМДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ОДАМЛАР ҲАЁТИДА АКС ЭТИШИ ЗАРУР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривож ва аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, янги истиқболли режаларни белгилаш мақсадида 1-2 май кунлари Хоразм вилоятида бўлди.



2 май куни Урганч туманида Хоразм вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм шонли тарихимиз билан янги ислохотлар туташган чорраҳа эканини таъкидлади.

Логистика занжирининг узокда, табиий ресурслари чекланган бу диёрда ўтган йили “кичик ва ўрта бизнес йили” бўлди дейиш мумкин. 2024 йили вилоятда 7 минг янги тадбиркор иш бошлаган, 47 та корхона кичикдан ўртага ўтган. 1 минг 700 та корхона фаолияти тикланган. Буларнинг натижасида вилоятда бир йил ичида 290 минг аҳоли ишли бўлган.

Лекин олдинда долзарб масалалар кўп. Вилоятда камбағаллик даражаси ҳали ҳам 12 фоиз атрофида, 45 минг фуқаро ишсиз. Шунинг учун ҳокимлар ва ўринбосарлари ҳар бир имкониятни лойиҳага айлантириб, янги иш ўринлари яратиши, саноат, сервис, туризм, қишлоқ хўжалиги, экспорт салоҳиятини янада ошириши зарурлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари бу соҳалардаги имкониятлар ва уларни ишга солиш чораларини кўрсатиб ўтди.

Масалан, юртимизда туризм экспорти салоҳияти 10 миллиард доллар бўлса, шунинг 2 миллиард доллари айнан Хоразмга тўғри келади. Афсуски, бу тўлиқ ишга солинмаётти.

Вилоят бўйича жами 263 та маданий мерос обидаси мавжуд. Тадбиркорлар билан ҳамкорликда улар туристик масканга айлантирилса, қўшимча даромад ва иш ўринлари бўлади. Шунингдек, чет элдан тажрибали археологларни жалб қилиб, тарихий жойларни аниқлаш ва тиклашга маблағ ажратилади.

Хоразмда 40 дан ортиқ ҳунармандчилик йўналишлари ривожланган бўлиб, сайёҳлар маҳсулот тайёрлаш жараёнига ҳам қизиқади.

Туризмда овқатланиш жойлари жуда муҳим. Президентимиз миллий таомларимизни

чет элларда танитаётган рестораторларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади. Хорижда ўзбек рестораторлари ташкил қилишда рўйхатдан ўтиш, рухсатнома ва иш юришти билан боғлиқ харажатларнинг бир қисми қоплаб берилиши белгиланди.

Меҳмон ўринлари ва транспорт қатновларини кўпайтириш, янги кўнгилочар ва тематик масканлар барпо этиш, гид ва официантлар тайёрлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Умуман, бу йил жами 200 миллион долларлик 91 та лойиҳани бажариш, туризм ва хизматлар соҳасида 100 мингта иш ўрни очиб вазифаси қўйилди. 2 миллион хорижий ва 10 миллион маҳаллий сайёҳ жалб қилиб, туризм экспортини 700 миллион доллардан ошириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Иқтисодий соҳасида ҳам имконият кўп. Бу йил Хоразмда камида 6 фоиз иқтисодий ўсишни таъминлаб, ялпи ҳудудий маҳсулотни 60 триллион сўмдан ошириш кўзда тутилган. 265 минг аҳолини банд қилиб, 104 минг одамни камбағалликдан олиб чиқиш мўлжалланган.

Масалан, хусусийлаштириш дастурига асосан 2025 йилда вилоятда 41 та давлат биноси, 350 гектар ер участкаси савдога қўйилапти. Бу хизмат кўрсатиш, туризм ва ишлаб чиқариш соҳалари учун катта имконият.

Сўнгги саккиз йилда Хоразмда мебель саноати 3 қарра ўсди. Хонқадаги 10 гектар ерда мебелчилик зонаси ташкил этилди. Бу тармоқни янада ривожлантириш учун хориқдан дизайнер, маркетинг, инженер-технолог олиб келинади. Юртимизда бу соҳага қўшимча туртки бериш учун махсус дастур тайёрлаш топшириғи берилди.

Ҳозир жаҳондаги мураккаб шароитда инновация ва инвестиция жалб қилган давлат ютапти. Бу борада Хоразмда ҳам режалар улкан. Жумладан, бу йил 900 миллион долларлик 12 та йирик, 480 та ҳудудий лойиҳа

ишга туширилади. 65 турдаги маҳсулот, 5 турдаги ускуна ишлаб чиқарилиб, маҳаллийлаштириш ҳажми 1,7 триллион сўмга етказилади. 1,5 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этилиб, 510 миллион долларлик экспорт қилинади.

Масалан, Қўшқўпир туманидаги 175 гектарда “Ўзбекистон — Хитой технопарки” ташкил қилинмоқда. У ерда 1 миллиард долларлик 16 та инвестиция лойиҳалари бўлади.

Тупроққалъада 10 миллиард долларлик газ-кимё мажмуасининг биринчи босқичи бошланади. Унда йилига 2 миллион тонна 14 турдаги юқори қўшилган қийматли базавий полимер маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Хоразмда 663 та қурилиш материаллари корхонаси бўлиб, вилоятнинг драйвер тармоқларидан бирига айланди. Энди уларнинг маҳсулотлари сотилиши молиявий чоралар орқали қўллаб-қувватланади. Тармоқда 100 миллион долларлик яна 40 та лойиҳа бошланади.

Словакия компанияси томонидан Тупроққалъа туманида 170 миллион доллар ҳисобидан раис ўсимлиғи етиштириш ва ундан биоэтанол ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларида 60 миллион долларлик 56 та лойиҳа ишга туширилади. 3 минг 400 гектар ер қайта фойдаланишга киритилади. 1 минг 200 гектар саноатлашган мевали боғлар ташкил қилинади.

Австриянинг “Бауэр” компанияси билан Хоразмда 7,5 минг гектарда ёмғирлагиб суғоришни жорий қилиш режалаштирилган. Бунда фермерларга шундай техникалар тайёр ўрнатилади, лизинг асосида сўмда йиллик 2,5 фоиз ставкада 10 йил муддатга берилади.

Хоразмлик фермерлар таннарихни тушириш учун изланиб, тракторга замонавий “автомат” ўрнатган. Натижада чигит тўлиқ аниқликда экилади, сифат ошади. Бу ташаббусни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредит берилиши қайд этилди.

Вилоятда экин майдонига сув чиқариш осон эмас. Республикадаги насосларнинг

21 фоизи шу ерда жойлашган. Уларга қуёш панели ўрнатиб, электр харажати иқтисод қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Балиқчиликни ривожлантириш, сутни қайта ишлаш, далада қўшимча маҳсулотлар етиштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида бунёдкорлик ишлари ҳам режалаштирилган. Жумладан, бу йил 7 минг хонадонли 200 та кўп қаватли уй қурилади, 1,5 минг километр йўл ва 20 та кўприк таъмирланади. Бу соҳада 20 минг нафар аҳоли иш билан таъминланади.

Ижтимоий соҳаларни ривожлантириш вазифалари ҳам кўрсатиб ўтилди. Тиббиёт масканлари ва юқори технологик жарроҳлик амалиётларини кўпайтириб, аҳолини соғломлаштириш, техникум ва олийгоҳ талабаларини дуал таълимга қамраб олиш, ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда белгиланган чора-тадбирларни бажариш режалари юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Хоразмдаги “Урганч кластер”нинг янги корхоналари фаолияти билан танишди.

Кластернинг ташкил этилганига беш йил бўлган. Бугун у пахта хомашёсини етиштиришдан тортиб, тайёр кийим-кечак тикишгача бўлган барча жараёнларни қамраб олган яхлит “занжир”. Унинг тизимида 3 минг киши иш билан таъминланган.

Тадбиркор 8 минг 500 гектар майдонда етиштирилган пахта 100 фоиз қайта ишлайди. Бунинг учун пахта тозалаш ва ёғ заводлари бор.

Шу кунларда кластернинг ип-йигирув ҳамда мато тўқиш қуввати ортди. Қўшимча инвестиция эвазига яна иккита корхона фаолияти йўлга қўйилди. Германия, Япония ва Туркиядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди.

Корхонада ўқув-тажриба маркази ташкил этилган. Тикувчи ва дизайнер-мутахассислар аввал шу ерда ўқитилиб, кейин ишга қўйилди. Буларнинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли ортди. Йилига 10 минг 800 тонна атрофида ип-калав ва 3 миллион донна тикувчилик маҳсулотлари тайёрлаш қуввати яратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев янги фабрикаларда бўлиб, иш жараёни, тайёр маҳсулотларни кўздан кечирди. Тикувчи хотин-қизлар билан суҳбатлашди. Уларнинг ойлик маошлари, меҳнат шартлари билан қизикди.

Бу ерда тайёрланаётган юқори сифатли кийим-кечакларнинг катта қисми экспортга йўналтирилади. Корхонанинг йиллик экспорт салоҳияти 28 миллион доллар атрофида.

Маҳсулотлар тури ва сифатини кўпайтириб, экспорт кўламини кенгайтириш, энергия тежамкорлик орқали маҳсулот таннарихини камайтириш бўйича тавсиялар берилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Урганч шаҳрида барпо этилган Касбий кўникмалар минтақавий марказини бориб кўрди.

Мажмуа Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги — КОИСАнинг 9 миллион долларлик грант маблағлари ҳисобидан қурилган. Замонавий касблар учун зарур жиҳозлар, симуляцион ускуналар келтириб ўрнатилган. Бу ерда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, пайвандчилик, юк кўтариш машинистлиги, электрон ва маиший техника таъмири, мебелсозлик, саргаришлик ва косметология, мобилграфика ҳамда меҳмонхона хизмати каби 10 та талаб юқори бўлган мутахассислик ўргатилади.

Бунинг учун қарийб 2 гектар ҳудудда замонавий ўқув бинолари, амалий маҳсулот хоналари, 64 ўринли ётоқхона ва бошқа ёрдамчи иншоотлар қурилган. Муассаса йилга 300 нафар тингловчини 6 ойлик касбий тайёргарлик курсларида ўқитиш имкониятига эга.

Президент ўқув-маҳсулот хоналарини киниб кўрди. Меҳмонхона йўналишида сабоқ олаётган ёшлар билан самимий суҳбатлашди.

— Урганч аэропорти Ичон аэропорти билан шерикликда дунё даражасига олиб чиқамиз. Катта туризм марказлари, меҳмонхоналар қурапмиз. Энди хорижий туристлар кўп келиши учун хизмат ҳам халқаро даражада бўлиши керак. Улар тарихимиз, табиатимиз учун келади, сервис яхши бўлса, хурсанд бўлиб кетади. Бунда кўп нарса хизмат кўрсатувчиларнинг муомаласи, этикаси, савиясига боғлиқ. Шунинг учун бу имкониятдан фойдаланиб, касбни яхши ўрганиш. Келгусида ўзингиз ҳам тадбиркор бўлишга ҳаракат қилинг, — деди Шавкат Мирзиёев.

Марказда Миграция агентлиги ҳамда Кореянинг Hyundai ва Германиянинг SBH West билан ҳамкорликда электромобилларга хизмат кўрсатиш ихтисослиги ҳам йўлга қўйилган. Бу эса ички ва ташқи меҳнат бозори талабларига мос кадрлар етиштириш имконини беради.

Халқаро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган. Жорий йил январь ойида марказнинг бошқарув ҳодимлари Корея Республикасида 2 ҳафталик ўқув курсларини татомлаб қайтган. Айни пайтда эса ушбу мамлакатда 20 нафардан зиёд ўқитувчи ва мураббийлар малака оширмоқда.

Давлатимиз раҳбари малакали касбий тайёргарлик санотлаштириш, умуман, давлат ривожининг асоси эканини таъкидлади. Амалий ускуналаридан самарали фойдаланиш, дарс сменаларини оқилона ташкил этиб, кўпроқ ёшларни ўқитиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБЕКОВ,
Аҳмаджон ШОКІРОВ,
ЎЗА Махсус мухбирлари



Буюк ўзбек йўли

АРДА ХИВА

УЛКАН РЕЖАЛАРИМИЗНИНГ ЯНА БИР АМАЛИЙ НАТИЖАСИ

Давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятига ташрифи тарихий воқеаларга бой бўлди. Президентимиз Хива шаҳрида “Арда Хива” халқаро туризм маркази тантанали очилиш маросимидagi нутқида: “Биз аждодларимиз қолдирган бекиёс илмий-маънавий меросни асраб-авайлаш, бойитиш ва дунёга кенг тарғиб этишни Ўз олдимизга улғу мақсад қилиб қўйганмиз”, дея таъкидлади. Бу янги Ўзбекистоннинг маърифий сиёсати янги босқичга чиққанидан далолат.

Зеро, ушбу мақсадни амалга ошириш учун аниқ вазифалар ҳам берилди. Хусусан, Мамун академияси биноси олдидаги 2 гектар боғ “Буюк алломалар” номи очик осмон остидаги smart музейга айлантириладиган бўлди. Бу орқали Хоразмда камол топган ўнлаб мумтоз аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, бой ижодий мероси интерактив усулда бир неча хорижий тилларда сайёҳларга тақдим этилади. Бу, ҳеч шубҳасиз, ёшлар тарбиясида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки ушбу музей, унда аждодларимиз ҳаёт йўлининг кўрсатиб берилиши ёшларга ибрат мактаби бўлади.

➤ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ: 29 АПРЕЛЬ — ХАЛҚАРО ЗИЛЗИЛА ҚУРБОНЛАРИНИ ХОТИРЛАШ КУНИ

БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси билан 29 апрелни Халқаро зилзила қурбонларини хотирлаш куни деб эълон қилиш тўғрисидаги резолюцияни бир овоздан қабул қилди.

Хўжжатта дунёнинг барча минтақаларидан 80 дан ортиқ давлат ҳаммуаллифилик қилган. Резолюция Ўзбекистон Президентининг зилзила қурбонлари хотирасига ҳурмат кўрсатиш ва бу борада халқаро ҳамкорлик зарурлигини эълан қилиш мақсадида хотира ва бирдамлик кунини таъсис этиш тўғрисидаги ташаббусига асосланган.

2023 йил 16 март куни бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдан ташқари саммитида давлатимиз раҳбари томонидан фавқулодда вазиятлар бўйича ихтисослашган халқаро тузилмалар билан амалий ҳамкорликни кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган эди.

Халқаро зилзила қурбонларини хотирлаш куни илк бор 2026 йил 29 апрель куни

нишонланади. Бу сана 1966 йилда Тошкент шаҳрида содир бўлган вайронкор зилзиланинг 60 йиллиги муносабати билан белгиланди. Мамлакатимизнинг БМТдаги доимий вакили, элчи Улугбек Лапасов эш чикишида Ўзбекистон Президенти томонидан турли халқаро анжуманларда бундай халқаро саналарни белгилаш ташаббуси бир неча бор илгари сурилганини алоҳида таъкидлади.

Қайд этилганидек, зилзилалар энг ҳалокатли табиий офатлардан биридир. Улар барча табиий офатлар орасида нисбатан кичик улушни ташкил этишига қарамай, кўпинча энг фожиали оқибатларга олиб келади.

➤ Давоми 2-бетда

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 апрелдаги “Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида кенг қамровли мақсадлар назарда тутилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясида белгиланган вазифаларни рўйбга чиқариш, диний-маърифий соҳадаги эзгу гоё ва ташаббусларни халқ манфаатларидан келиб чиқиб изчил давом эттириш фармоннинг мазмун-моҳиятини ташкил қилади.

Президентимизнинг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати, узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш бора-сидаги ташаббуси туфайли Ўзбекистоннинг дўстлари, хайрихоҳлари халқаро майдонда ҳам қўпайиб бормоқда. Қўшни, яқин ва узоқ

жамиятда диний бағрикенглик ва динлараро дўстлик-ҳамкорлик ғояларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ҳолатни нафақат юртдошларимиз, балки турли мамлакатлардан келган меҳмонлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам эътироф этмоқда.

Фармонда белгиланган асосий мақсадлар фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш, ҳар бир шахснинг динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик ҳуқуқини кафолатлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик, диний бағрикенглик ва конфессиялараро тотувликини мустаҳкамлаш, турли динларга эътиқод қилувчи фуқаролар

Кенгаш таркибига сиёсий арбоблар, жамоатчилик фаоллари, диншунос олим ва мутахассисларни кузатувчи сифатида киритиш, кенгашга диний конфессиялар муаммолари бўйича давлат ва нодавлат ташкилотларга сўров, мурожаат ва тавсиялар юбориш ҳуқуқини бериш назарда тутилган. Шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларида ҳудудий кенгашлар ташкил этиш ҳамда кенгаш томонидан турли конфессияларга оид диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари ўртасида спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш каби вазифалар белгиланган.

Фармонда Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази муассислигида Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Табииyki, ҳар бир миллат ўзининг маънавий бойлиги, тарихий мероси ва улуг алломалари билан фахрланади. Бундай улкан шахслардан бири тасаввуф илми ва ирфон йўли йирик намоёндаларидан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларидир. Унинг илмий мероси нафақат ислом олами, балки бутун инсоният маънавиятида алоҳида ўринга эга.

Нақшбандия таълимоти Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида жуда катта ўрин эгаллаган. Бу таълимот бошқалар меҳнати ортидан кун кечириш, текинхўрлик, ижтимоий зулм-истибодни қатъиян қоралайди. Одамларни ўз кучи, пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришга чақирган. Савдо-сотик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, бадий адабиёт, мусиқа, илм-маърифат, ҳаттотлик, наққошлик, қурувчилик каби фойдали ва хайрли юмушлар билан шуғулланишга даъват этган. Шунинг учун ҳам илм-маърифат, адабиётнинг йирик намоёндалари бўлмиш Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Сўфи Олбур, Махтумқули Фирогий сингари юзлаб улкан тараққиқпарвар, инсонпарвар шоир ва мутафаккирлар нақшбандия йўлини танлаган.

Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот маркази ташкил этилиши кўпчиликнинг анча йилдан буён ушалай турган орзуси эди. Энди янги марказ буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандийлик тарикати алломаларининг юксак инсонпарварлик ғояларини илмий асосда ўрганиш, ёш авлодди бағрикенглик ҳамда ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида тарғибот ишларини олиб боради. Тасаввуф таълимоти тарихи ва бугунги аҳамиятини илмий тадқиқ этади.

Улуг мутасаввуф илмий меросини ўрганиш орқали академик тадқиқотлар йўналишлари ҳам кенгайди. Унинг асарлари нафақат ирфонга оид, балки ижтимоий, ахлоқий ва маданий соҳаларда ҳам мустаҳкам асосга эга. Ушбу мерос халқаро миқёсда эътироф этилган, унинг тадқиқи турли тилларга таржима қилинмоқда ва дунё илмий жамоатчилиги орасида қизиқиш уйғотмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, диний-маърифий соҳадаги ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида доимий асосда фаолият юритувчи Диний-маърифий соҳада таълим, фан ва илмий-тадқиқотга оид фаолиятни мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди ҳамда таркиби тасдиқланди. Кенгаш диний-маърифий соҳада таълим, фан ва илмий тадқиқот ишларининг барча жараёнларини мувофиқлаштириш масалаларига масъул бўлган маслаҳат органидир.

Унинг асосий вазифалари этиб “Учинчи Ренессанс — янги Ўзбекистон” ғояси асосида буюк аждодларимиз илмий меросида улугланган ватанпарварлик, бағрикенглик каби умуминсоний ғояларни аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, диний-маърифий соҳадаги муассасалар фаолиятини чуқур ўрганиб бориш, ўқув-тарбия жараёнига илғор ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар, инновацион ишланмаларни татбиқ этиш ҳамда илмий-услубий фаолиятини мувофиқлаштириш белгиланган.

Бундан ташқари, соҳа ташкилотларида тўпланган илмий-услубий ишланма ва тажрибаларни таҳлил этиш асосида улардаги таълим мазмунини такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш, ўқув режаси ва фан дастурларини ишлаб чиқишда узвийлик тамойилларини таъминлаш, мамлакатнинг барча таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида бажариладиган диний тадқиқотлар мавзуси ва йўналишларининг аҳамияти, долзарблиги юзасидан тегишли тавсиялар бериш ҳам кенгаш вазифасидир.

Фармон кенг кўламли. Унда назарда тутилган жиҳатлар фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш йўлида муҳим ва зарурий аҳамият касб этади.

Музаффархон ЖОНИЕВ,
Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ТАЖРИБА ВА ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ НАМОЙИШИ

ПОЙТАХТИМИЗДА “ИНСОН УЧУН” РЕСПУБЛИКА КЎРГАЗМАСИ ДОИРАСИДА ИНКЛЮЗИВ БИЗНЕС-ФОРУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, “Шароит плюс” жамоат бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, олимлар, экспертлар, тадбиркорлар иштирок этди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва жамиятга интеграция қилиш долзарб вазифалардан. Даврнинг ўшбу ўткир талабидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий ҳимоя давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Соҳанинг ҳуқуқий ва институционал асослари ислоҳ қилинди. Ижтимоий ҳимоя соҳасида давлат сиёсатини юритиладиган янги тузилма — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Жойларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари иш бошлади.

Ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, ҳар бирига алоҳида ёндашувга асосланган, ижтимоий ёрдамнинг манзилили ҳамда мақсадлилигини таъминлашга қaratилган янги механизм яратилди. Эътиёжмандларни ишли қилиш, доимий даромад манбаини вужудга келтириш, камбағалликдан чиқариш, кафолатланган тиббий ва бошқа хизматлардан фойдаланиш имконияти кенгайтирилди.

Президентимизнинг “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар ривожига хизмат қилмоқда. Ушбу йўналишдаги вазифалар тизимли ижро этилиши натижасида ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилганларга субсидия ва қатор имтиёзлар берилмоқда. Бу эса ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларни меҳнатга кенг жалб қилиш орқали ҳаёт сифати ва даражасини оширишга замин яратмоқда.

Энди бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Хусусан, ногиронлиги бор инсонларни ишга олган енгил саноат корхона

наларига солиқ имтиёзи бериш, бундай ҳо-димлар учун ижтимоий солиқ ставкасини пасайтириш, тадбиркорларга Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳисобидан 500 миллион сўмгача субсидия ажратиш каби рағбатлар кўзда тутилмоқда. Шунингдек, электрон савдо майдончаси орқали ногиронлиги бор шахсларга тегишли товар ва хизматларни харид қилиш миқдори оширилди. Уларга касб-ҳунар ўргатиш учун техникумларда инклюзив таълим гуруҳлари очилди.

Бу йўналишда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва давлат дастурларида белгиланган муҳим чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ташкилотлари қатори нодавлат тузилмалар ҳам фаол ишламоқда. Жумладан, Тошкент шаҳридаги “Шароит плюс” жамоат бирлашмаси ногиронлиги бор инсонларнинг жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш мақсадида қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда.

“Ishplus.uz” лойиҳаси бунга мисол. Ушбу лойиҳа асосида яратилган порталда икки мингдан зиёд иш берувчи рўйхатдан ўтган. Улар орасида ишлаб чиқариш корхоналари, таълим муассасалари ва бошқа тузилмалар бор. 50 дан зиёд иш берувчи жамоат ташкилоти билан мунтазам мулоқотни йўлга қўйган. Улар кўмакга ўтган йили ногиронлиги бор 300 дан зиёд одам ўз қизиқиши, эгалган касби ҳамда ҳунардан келиб чиқиб, муносиб ишга жойлашди ва доимий ишлаб келмоқда.

Инклюзив бизнес-форумда ана шу йўналишдаги ишлар, эришилаётган натижалар, миллий ва халқаро тажрибага оид масъулар тингланди. Соҳада ечимини кутаётган долзарб вазифалар юзасидан фикр алмашилди ҳамда уларни ҳал этиш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ: 29 АПРЕЛЬ — ХАЛҚАРО ЗИЛЗИЛА ҚУРБОНЛАРИНИ ХОТИРЛАШ КУНИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон делегацияси маслаҳатлашувларда иштирок этган ва лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнига катта ҳисса қўшган барча аъзо давлатларга ҳамда БМТнинг Табиий офатлар хавфини камайтириш бошқармасига кўрсатилган ёрдам ва ҳамкорлик учун алоҳида миннатдорлик билдирди.

Резолюция БМТга аъзо давлатлар, БМТ тизимидаги муассасалар ва бошқа халқаро ташкилотларни Халқаро куни нишонлашга, хусусан, аҳоли хабардорлигини ошириш, фавқулодда вазиятларга чидамлик ва тайёргарликни кучайтиришга қaratилган ахборот-тарғибот тадбирларини ўтказиш орқали кўмаклашишга чақирди.

Хужжатнинг қабул қилиниши жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланди. Дунёнинг турли бурчакларида зилзилалар тез-тез содир бўлаётган шaroитда ушбу ташаббуснинг долзарблиги алоҳида таъкидланмоқда.

Ушбу резолюциянинг маъқулланиши Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ортти бораётганини, шунингдек, бутун инсоният манфаатларига хизмат қилувчи глобал ечимларни илгари суришдаги ҳиссасини яна бир бор тасдиқлайди.

Тони-Ша ФРЕКЛЕТОН, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича бошқармасининг Нью-Йорк офиси раҳбари:

— Биз 29 апрель санасини Халқаро зилзила қурбонларини хотирлаш куни деб эълон қилиш тўғрисидаги резолюцияни қабул қилиш билан бутун дунёда зилзилаларнинг жамиятга чуқур таъсирини барта-раф этиш йўлида муҳим қадам қўйдик. Ташаббус Ўзбекистон, Чили ва Филиппин томонидан илгари сурилган.

БМТ Бош Ассамблеяси зилзиладан омон қолганларни қўллаб-қувватлаш ва келажақдаги сейсмик таҳдидларга жамоавий чидамлилигини кучайтириш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади.

Ушбу халқаро сана нафақат йўқотганларимизни эслаш, балки шо-шилиш ва зарур чораларни кўришга ҳам хизмат қилади.

Биз биргаликда маъзур санада хабардорликни ошириш, жабрлан-ганлар билан бирдамликни шакллантириш ва келажақ авлодлар учун зилзила хавфини камайтиришда ҳақиқий ютуқларга эришиш учун кучли катализаторга айланишимиз мумкин.

“Дунё” АА
Нью-Йорк

Туризм

Узоқ йиллик танаффусдан сўнг Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё маҳаллий аэропорти фаолияти тиклангани ҳақидаги хабар кўпчиликини, жумладан, Сариосиёдек сўлим манзил томон саёхатга чиқмоқчи бўлганларни ҳам қувонтирди.

Аэропорт фаолият юритмай қўйганига бир неча ўн йиллар бўлган, аэродром мажмуасининг учинч-қўнчи йўлига 1976 йилдан буён таъмир-ланмаган эди. Кейинги тўрт-беш йилда бошлан-ган ташаббус ва саёй-харакатлар туфайли аэро-порти реконструкция қилиш ишлари якунланди. Куни кеча биринчи техник парвоз қабул қилинди.

— У вилоятдаги иккинчи аэропорт бўлди, — дейди Термиз халқаро аэропорти бўлим бошли-ги Дилмурод Ҳикматов. — Воҳа шимолидаги аэродром сўнгги йилларда капитал таъмирланди. Узунлиги 1550, эни 35 метр бўлган учинч-қўнчи йўлининг бутун узунлиги бўйлаб икки қат-ламда, юриш йўлига ҳамда иккита АТР-72-60 самолёти учун тўхташ жойлари асфальт-бетон билан мустаҳкамланди. Ҳозир 100 нафаргача йў-ловчиға мўлжалланган янги терминал қурилиши ҳам нихосига етказилмоқда. Барча иш якунлан-гач, бир ой ичида Сариосиё аэропортига мунта-зам рейслар қатнови режалаштирилган.

Аэропортнинг қайта очилиши йўловчилар узогини яқин, огирини енгил қилиш баробарида воҳага келадиган сайёҳларнинг сезиларли кўпа-йишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

— Сариосиёнинг тоғли манзиллари, табиат мўъжизалари, қадимчаларини томоша қилишга иштиёқмандлар кўп. Пойтахтдан чиққан сайёҳ автомобилда 10-12, поездда эса 13-14 соат йўл юради. Бироқ самолётда 40-45 дақиқада Сари-осиёға етиб келади. Бу имкониятлар ҳаммаимизи қувонтирди, — дейди “Нуроний” жамғармаси Сариосиё тумани бўлими раиси Салом Қосимов.

Кейинги йилларда мамлакатимизда туризм-нинг зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик йўналишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сариосиё тумани ҳам бетакорор табиат манзаралари, қадимчалари билан хориж-лик ва маҳаллий сайёҳларда азалдан қизиқиш уйғотиб келади. Осмонтоғлар тоғлар этагидаги сўлим Сангардак қишлоғи ҳам сайёҳларни энг кўп ўзига чорловчи манзиллардан бири. Денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда жойлашган бу қишлоқ бир неча юз метр баландликдан тушувчи локувард шаршараси билан машҳур.



— Ўзбекистон бой маданий мероси, тарихий обидалари ва гўзал табиати билан туризмни рив-ожлантиришга катта эътибор қаратмоқда, — дейди Сурхондарё вилояти туризм бошқармаси бўлим бошлиги Шухрат Иброҳимов. — Шундай юксак эътибор тоғ қўйидаги Сангардакдек ма-нункор кўшмада сайёҳгаётган сайёҳлар сонини янада оширмоқда. Қишлоқ сайёҳлигининг зиёрат, экологик, этнографик, тиббиёт, аграр йўналиш-ларини ривожлантириш учун қўлай имконият ва муҳитга эга.

Худуднинг хушманзара табиати, шифобахш гиёҳлари, этнографик мероси ҳар қандай ки-шини ўзига мафтун этади. Маъданли бўлоқ суви турли касалликларга шифоллигини сангар-дакликлар бот-бот таъкидлайди.

— Илгари хорижий давлатларга боришга кўп-чиликнинг имконияти етмасди. Йўллар ёпиқ, тўсиқлар кўп эди. Шу сабабли чет элга бориш бизга ҳавасдек туюларди, — дейди тиббиёт фан-лари доктори, Ўзбекистон Қаҳрамони Раҳмон Муҳаммадиев. — Ҳозир дунё кўраман деганга йўллар кенг: қай манзилга саёхатга чиқсангиз, кетаверасиз. Умрим давомида 54 та давлатга са-фар қилибман. Айниқса, кейинги йилларда ўн-лаб мамлакатга бордим. Хулосам шуки, Ўзбекис-тондан чиройли мамлакат ҳам, саёхат учун гўзал манзил ҳам йўқ. Ватаним бўлгани учун айтмап-ман. Кузатувларим натижаси шундай. Иккинчи жиҳати, авваллари кўпчилик хорижга интилган бўлса, ҳозир ички туризмга қизиқиш катта.

Ички сайёҳлик ривожланиши учун замонавий шароит яратиш муҳим. Шу боис, ҳудудда барча

қўлайликка эга янги меҳмонхоналар қурилмоқда. Йўл инфратузилмаси яхшиланиб, савдо, маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқлари ишга ту-шириляпти.

— Баҳор фасли бу томонларга ўзгача нафосат билан келади. Атроф-муҳит яшилди, бурқаниб, ранг-баранг гуллар тароват солади. Айниқса, шу қунарларда Сариосиёнинг Ҳурватан адирликлари қизгалдоқларга бурканган, — дейди сариосиёлик меҳнат фахрийси Абдурамон Раҳмонов. — Табиат-ни сеувчи, гўзалликини қадрловчи барча юртдо-шимизни бу кенгликларга, адирликларига саёхат-га чорлаймиз. Зеро, бетакорор манзаралар бағрида хотиржамлик ҳис қиласиз.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 16 де-кабрдаги “Сурхондарё вилоятининг тоғли-рек-реацион ҳудудларида туризм инфратузилмасини яхшилаш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектиларини барпо этиш чора-тадбирла-ри тўғрисида”ги қарори воҳанинг сайёҳлик имко-ниятларидан янада самарали фойдаланиб, соҳани иқтисодиётнинг етақчи тармоқларидан бирига айлантиришда муҳим ўрин тутайди.

Мазкур қарор ижроси доирасида Сари-осиё туманидаги Сангардак, Бойсун туманидаги Омонхона туризм қишлоқлари ҳамда Жарқў-рон туманидаги “Оқтепа” сув омбори қирғоғида “Обиҳаёт” туристик маркази бунёд этилиб, сай-ёҳларга кенг кўламда хизмат кўрсата бошлайди. “Омонхона” дам олиш мақсадига олиб боровчи йўл бўйида замонавий кемпинг мажмуасини қу-риш лойиҳаси доирасида ишлар аллақачон бош-ланган.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



АРДА ХИВА

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



УЛКАН РЕЖАЛАРИМИЗНИНГ ЯНА БИР АМАЛИЙ НАТИЖАСИ



Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон маданият вазири

Бошланиши 1-бетда

Вилоятни иқтисодий жиҳатдан юксалтириш борасида ҳам жуда кўплаб ташаббуслар илгари сурилди. Шулардан бири, шубҳасиз, Хива шаҳрида “Арда Хива” халқаро туризм маркази очилиши бўлди.

“Хоразмнинг ҳавас қилса арзийдиган яна бир бебаҳо бойлиги бор. Бу — унинг муҳташам тарихий обидаларидир. Очiq осмон остидаги шаҳар-музей — “Ичан қалъа” мажмуаси умумбашарият хазинаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди”, деди Президентимиз ушбу марказнинг очилиш маросимида.

Бу ўринда бетакрор шоир Омон Матжоннинг “Икки қалъа” шеъри ёдимга тушди. Унда шоир “Одам — Дишон қалъа, орузи — Ичон!” деб ёзади. Бугун янги Ўзбекистон орузи ана шу Ичон қалъа каби қалбларимизга чуқур ўрнашди. У ажодлардан мерос маърифат ила сугорилиб, амалий ҳаракатга айланиб бормоқда.

Фикримизни IV Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ЮНЕСКО ва АЙСЕКО каби нуфузли халқаро

ташкilotлар шафелигида ўтказилгани ҳам тасдиқлайди. Ушбу анжуман иштирокчиларига Президентимиз йўлаган таъриқда эътироф этилганидек, фестиваль бу йил кўҳна Шарқ гавҳари — бетакрор Хоразм диёрида ўтказилгани унга алоҳида руҳ ва мазмун бағишлади. Бу ўлканинг дostonчилик мактаби гоят қадимий ва бой тарихга эга. Ушбу мактабнинг Бола бахши — Қурбонназар Абдуллаев, Қаландар бахши — Рўзимбой Норматов, Абдулла Қурбонназаров, Етмишбой Абдуллаев каби эл суйган вакиллари ажодлар мероси бизгача етиб келишига хизмат қилди. Улар “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Гўрўғли”, “Авазхон”, “Алпомиш” ва “Хирмондвали” каби халқ дostonларини юксак пардаларда қуйлади. Шу тариқа халқимиз орасида жасурлик, адолат ва ватанпарварликни тараннум этди. Зеро, юртимиз тамаддунида бахшичилик санъати доим алоҳида ўрин эгаллаган. У асрлар оша халқимизнинг этик тафаккурини шакллантирган, мусиқий ва фольклор анъанасини авлоддан авлодга етказган. Аслида, ҳар қандай миллиятнинг асл тарихи, маданияти унинг фольклори, эпослари билан ифодаланади. Ёзма манбалар сохталаштирилиши, оғиздан оғизга ўтган тарихий маълумотлар замонга қараб ўзгариши мумкин. Аммо эпосларнинг түб-түбидagi асл қарашлар, қадриятлар, воқеа-ҳодисалар сақланиб қолади. Шу жиҳатдан серқирра, бой фольклори бор халқни шонли тарихга эга деб аташ мумкин. Халқимиз ана шундай бой маданий меросга эга экани бизни ҳаққи равишда қувонтиради. Бу қувонч халқимиз, айниқса, ёшларнинг фахри-ифтихорига айланиши керак. Шунда улар дostonларимизда қуйланган қадармонлар каби ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб камол топади.



Шу боис, янги Ўзбекистонни бунёд этишда маданият ва санъатга алоҳида эътибор берилётгани қувонarli. Хусусан, 2018 йил 1 ноябрда Президентимизнинг “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Ушандан бери юртимизда ҳар икки йилда бир марта Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш анъанаси айланди.

Шу асосда 2019 йилнинг апрель ойида I Халқаро бахшичилик санъати фестивали Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Шундан сўнг унга Нукус ва Ғулистон мезбонлик қилди. Бу йил эса IV Халқаро бахшичилик санъати фестивали Хивада юксак савияда ўтказилди.

Хивадаги фестиваль доирасида IV Туркий дунё маданияти форуми ҳам ўтказилди. Форум доирасида халқ оғзаки ижодини сақлаш

ва ривожлантиришга бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Хива фестивалида бахшилар, оқинлар, мусиқашунослар ва фольклоршунослар ўз миллий санъат намуналарини намойиш этиб, туркий халқлар маданий меросининг бой ва бетакрор қирраларини дунёга кўрсатди. Умуман, анжуман доирасида муҳоама қилинган мавзуларнинг ўқилдида маданий меросни асраш ва кенг тарғиб этиш каби эзгу мақсадлар муважжам бўлди. Бу эса Ўзбекистоннинг маърифий сиёсати халқаро даражада янги босқичга чиқаётганини кўрсатмоқда.

Ўрни келганда эътироф этиш керак, кейинги йилларда қардош ўлкаларда ташкил этилаётган йирик анжуманлар, уларда илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар маънавий бирлигимизни таъминлаш, муштарак

“ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ” ХОРАЗМГА ҚАЙТМОҚДА

ТОШКЕНТДАН ХИВАГА 14 СОАТ ЭМАС,
7 СОАТУ 40 ДАҚИҚАДА ЕТИБ БОРИЛАДИ

Кун нафаси



Халқимизда “От — йигитнинг йўлдоши”, “От — йигитнинг қаноти”, деб бежиз айтилмайди. Кўзи ёниб турган, бакувват, сеvimли, садоқатли тулпори бўлмаганида Жалолиддин Мангуберди ҳам Чингизхонга асир тушмаслик учун дарёга бунчалик ишонч билан сакрамаган бўларди. Эр йигитнинг улови ҳам ўзидек жасур ва учқур бўлади, сира ортга тисарилмайди. Дарёни кечиb, тоғдан учиб, чўлни кўчириб бўлса ҳам эгасини муродига етказди...



Президентимиз Хоразм вилоятига ташириш давомиди ҳудуддаги янгиланиш ва ислохотлар, ҳаётга табиқ этилаётган янги лойиҳалар билан танишиш баробарида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун келгусида қилиниш керак бўлган ишларни белгилаб берди.

Ташириш доирасида юртимизда ишлаб чиқарилаётган вагонлар ва Урганч — Хива электрлаштирилган темир йўлини кўздан кечирди. Янги поездда жамоатчилик билан бирга Урганчдан Хивага борди. Айни шу йўналиш ҳозир 465 километр бўлиб, Бухоро — Урганч — Хива шаҳарларини ўзаро боғлайди. Жапоний Корейнинг “Hyundai Rotem” компаниясида ишлаб чиқарилган, соатида 250 километр масофани босиб ўтадиган 6 та электропоезд йўловчиларга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари йўл бўйи юрtdошларимиз билан самимий суҳбатлашиб, янги поезд ва вагонларда аҳолига яратилган замонавий қулайликлар билан қизиқди. Поезд вагонларининг янги дизайни, юмшоқ ўриндиқ ва замонавий жиҳозлари, ширинсухан, кайфиятни кўтардиган, доим хизматга шай, хушумола кузатувчилари йўловчилар ишончини оқлаш шубҳасиз.

Поезд деразасидан ташқарига боққанда йўл бўйлаб жойлардаги ободонлаштириш ва дехқончилик ишлари, дала четидagi қўчатларга кўзингиз тушади. Бу яшиллик Ўзбекистон бўйлаб фаол давом этирилаётган “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати натижасидир. Ўтган йили лойиҳа доирасида вилоятда қарий 10 миллион туп дархат ва бутта кўчати екилган. Йирик саноат корхоналари томонидан “яшил белбоғ”лар барпо этилган.

Албатта, бу қулайлик юртдошларимиз узоғини яқин қилиш билан бирга Ўзбекистоннинг жойбадор сайёҳлик маркази бўлган Шарқ гавҳари — Хивага саёҳат қилувчиларнинг қўлайлишига замин ҳозирлайди. Зотан, темир йўл ва йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш ишлари жадал суратда давом этирилиятти.

Айни пайтда Бухоро — Урганч — Хива темир йўл участкасида электрлаштириш ишлари тугатилди. 196,2 километрли Мискин — Нукус темир йўл линиясида эса электрлаштириш ишлари бошланган. Энг қувонarli янгиланиш эса давлатимиз раҳбари Хива шаҳрида “Арда Хива” халқаро туризм марказининг тантанали очилиш маросимида қайд этди. 2026 йилдан “Жалолиддин Мангуберди” номи остида Тошкент — Хива йўналишида соатида 250 километр масофани босиб ўтадиган электропоездлар ҳаракатлана бошлайди. Бу энди йўловчилар Тошкентдан Хивага 14 соатда эмас, шу вақтнинг салкам тенг ярми муддатида — 7 соату 40 дақиқада етиб боради, дегани. Келгусида мазкур тезорар поездлар Нукусгача қатнаши режалаштирилмоқда.

Бу қатнов туфайли йилига 3 миллиондан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатилади, юк поездлари ўтказувчанлиги қарий 6 миллион тоннага етказилади. Янги электропоездлар қатнови йўлга қўйилиши туфайли ёнилги-энергетика ресурслари тежалди. Натижада йилига 123,6 миллиард сўм маблағ иқтисод қилинади. Яъни сифат кўтарилиб, ҳаражат қаррасига қисқаради. Энг муҳими, ушбу

поездлар ҳудудларнинг экологиясига зарар етказмайди.

Электрпоездларга юртимизда ишлаб чиқарилган, замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, барча керакли жиҳозга эга вагонлар уланади. Бунинг учун Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи келгуси икки йилда йўловчи вагонлари сонини 70 тага қўлайтиради, эскиларидан босқичма-босқич воз кечилади.

Темир йўл соҳасидаги ислохотлар ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий турмушини яхшилади, сайёҳлик салоҳиятини оширади, одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилади. Ички туризмни янада ривожлантириб, юртдошларимизнинг саёҳат орқали ватанимизни қайтадан кашф қилиши, кайфияти, дунёқарашни ўзгариши, ҳаётдан рози бўлиб яшашига ҳисса қўшади.

Ушбу поездларга “Жалолиддин Мангуберди” номи бежиз берилмапти. Сабаби бундай улдовда йўловчилар ўзини қулай, асосийси, ҳавфсиз ҳис қилади. Йўлда носозлик ёки бошқа кўнгилсизликларга учраши сира ҳаёлга келмайди. Саҳромни, дарёни, қир-адирми, хотиржам дераздан ташқарига боқиб, табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлади. Қисқаси, саркарданнинг тулпориди кетаётгандек ишонч билан манзил томон одамлайди. Жалолиддин Мангуберди авлодлари бўлиши юртдошларимизга мана шундай замонавий темир уловлар ярашади.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Шукрона

ЮКСАК ЭЪТИРОФ — МЕН УЧУН КАТТА БАХТ

Ойимжон ОТАЖОНОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
қишлоқ хўжалиги хodими



Халқимизда “Яхшидан бог қолади” деган нақл бор. Бугун мана шу ҳикматни ўзимга шior билиб, юртдошларимизга хизмат қилаётганимдан жуда хурсандман. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг таширифидан сўнг боғимизга янада файз кирди. Чунки Президентимиз биз етиштираётган қўчатларни катта қизиқиш билан кўздан кечирди. Мен ва ишчилар билан самимий гаплашиб, керакли тавсиялар берди. Камтарона меҳнатимни юқори баҳолаб, юксак унвон билан мукофотлади.



Бу — мен учун катта бахт. Жуда миннатдорман. Билдирилган эътибор ва ишончини оқлаш учун бундан буён ҳам бор кучим билан ҳаракат қиламан. Менимча, ҳар бир инсон меҳнати ортидан яхши гап ешитиш, одамларга бирон наф етказишни хоҳлайди. Зотан, инсоннинг умр мазмуни ҳам шунда.

Кўчатчиликни ота-боболаримиз ишини давом эттириб, томорқада бошлаганман. 40 йилдан зиёд вақт давомиди шу иш билан шугулланиб келяпман. Меҳнат қилган одам кам бўлмайди. Бунга ҳаётим мисол. Кичик томорқада бошлаган ишимиз бугун кўплаб инсонларнинг рўзгорига барака киришига сабаб бўляпти. Ҳозир фермер хўжалигимизнинг 3 гектар ерида мевали ва манзарали дархат кўчатлари етиштиряпмиз. Шунингдек, яна икки гектар майдонда боғдорчилик қилъямиз. 12 сотих ерда эса 40 турдаги гул кўчатларини парваришляяпмиз.

Илгари хориждан келтириладиган гул ва дархат кўчатларини ҳозир Хоразм иқлимига мослаштиряпмиз. Замонавий сув тежамкор технологиялар билан таъминланган иссиқхонамиз бунга тўлиқ имкон беради. Етиштирилаётган кўчатлар қўшни вилоятлар, Қозоғистон ва Туркменистонга ҳам етказиб берилмоқда.

Бугун натижаларимиздан руҳланиб, “Бизга ҳам ўргатинг”, “Мен ҳам кўчат эмакчиман”, деганлар кўпайиб бормоқда. Шу боис, хўжалигимиз ёнида ўқув маркази ҳам очдик. Унда томорқадан самарали фойдаланиш йўл-йўриқлари тушунтирилмоқда. 200 дан ортиқ шогирд-дон, шунингдек, ишсиз 300 фуқаронини кўчатчиликка ўргатдик.

Дархатларга меҳр бериш, парваришлаш энг эзгу ва хайрли ишлардан. Кўчат экиб, бог барпо этиш, атроф-муҳитни асраш ота-боболаримиздан қолган миллий қадриятлардан. Бежиз янги туғилган фарзандга атаб ерга ниҳол қадалмаган. Боиси, дархат билан бирга фарзанд ҳам ўсиб-унади деган эзгу ният бор.

Ерга кўчат экиш давлатимиз раҳбари ташаббуси билан умуммиллий ҳаракатга айланди. Юртимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида минглаб дархат ниҳоли екилмоқда. Биз ҳам ушбу эзгу ташаббусда муносиб қатнашъямиз. Жумладан, жорий йил тумандаги барча мактаб ва боғчаларга 2000 туп қарағай кўчати тарқатдик.

Инсондан фақат эзгу амаллар қолади. Ажабмас, бугун биз етиштирган ниҳоллар эртага улкан дархатларга айланиб, юрт чиройига чирой қўшса, болаларимиз мевасидан баҳра олса. Бу йўлда барчамиз бир ёқадан меҳн қилиб, давлатимиз раҳбари бошлаган ташаббусга елкадош бўлишимиз даркор.

КОРРУПЦИЯ — жамият танасидаги саратон

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИ ЎЗИМИЗДАН, ҲАЛОЛЛИККА ИНТИЛИШИМИЗДАН БОШЛАШИМИЗ КЕРАК

Улуғбек МУҲАММАДИЕВ,
Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузуридаги
жамоатчилик кенгаши аъзоси



қилинди. Ҳусусан, Президентимиз мамлакатда коррупция билан боғлиқ муаммоларни бирма-бир кўрсатиб, чуқур таҳлил қилди, амалга ошириш зарур бўлган устувор вазифаларни белгилаб берди.

Коррупция даражасини пасайтириш, унинг олдини олиш бўйича энг қуйи бўлин-гача тушишга эътибор қаратилмагани ва тизимли камчиликларга йўл қўйилаётган соҳа ҳамда йўналишлар санаб ўтилди, уларнинг ечимини айтилди.

Коррупцияга қарши превентив механизм-ларни жорий этиш бўйича махсус тузилмалар фаолиятини самарали ташкил этилганини, қўп-лаб соҳаларда ҳали-ҳануз коррупция даража-сини пасайтириш чоралари кўрилмаётгани танқид қилиниб, уларни бартараф этиш юза-сидан қатор вазифалар белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 ап-релдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизим-ини янада такомиллаштириш бўйича белги-ланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғриси-да”ги фармони ҳамда “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлиммалари мустақиллигини таъмин-лаш ҳамда фаолиятини самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қаро-ри ушбу вазифаларни ҳаётта самарали татбиқ этиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича бошланган ислохотларни янги bosқичда давом эттириш учун катта қадам бўлди.

Биргина фармон билан Коррупцияга қар-ши курашиш бўйича миллий кенгаш кенгай-тирилган йиғилишида белгиланган топши-риқлар ижросини таъминлаш бўйича ишлаб чиқиладиган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат рўйхати ва амалий чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Улар орасида халқимиз узоқ вақтдан бери кутаётган давлат хизматчили-рининг даромади ва мол-мулкнинг деклара-ция қилиш, давлат фуқаролик хизматчилари реестрини белгилаш, кадрларнинг корруп-цияга мойиллик даражасини ўрганиш, кор-рупция жиноятининг аниқ рўйхати ҳамда бу борада жазо чораларини кучайтиришга қаратилган долзарб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бор.

Уларнинг ҳар бири аниқ тартиб, меха-низм, масъул орган, муддат ва натижа билан белгиланган. Шунинг учун ҳам вазирлик ва идоралар раҳбарларига ушбу фармон ва унинг доирасида белгиланган вазифаларни

сифатли, ўз вақтида ва сўзсиз бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилди. Бу шунчаки жавобгарлик эмас, давлат бош-қарувидagi кескин талаб. Унда кечиктириш, узр, қарама-қаршилик ва “сабаби бор” каби баҳоналарга энди ўрин йўқ. Бундан буён раҳ-барлар ҳисобот эмас, аниқ ва амалий натижа учун масъулиятни янада кучайтириши зарур. Шунчаки “маъруза”лар даври тугади, энди натижа керак!

Сиёсий масъулият ва шахсий жавобгарлик

Фармонга кўра, миллий кенгаш ҳар йили ҳудудлар кесимида коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, жумладан, ма-нший коррупцияга барҳам бериш, коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллан-тириш бўйича “йўл харита”сини тасдиқлаб, ижроси устидан назоратни таъминлайди. Бу дегани, энди кураш фақат марказдагина эмас, жойларда ҳам амалий ва қатъий қўринишда бўлади. Олий Мажлис палаталари ҳар йили бюджетдан энг кўп маблағ оладиган учта ва-зирлик ва идорада коррупциявий омилларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича та-қилфлар киритади.

Шубҳасиз, бюджет — халқ пули, уни на-зорат қилиш ҳам халқ вакилларининг бурчи. Шунинг учун бундай тизим коррупциянинг манбаларига фақат текшириш органлари эмас, балки парламентнинг сиёсий масъули-ят орқали ҳам таъсир ўтказиш имконини бе-ради деб ҳисоблайман.

Фармон билан сўз ва амал уйғунлигини таъминлайдиган янги сиёсий маданият шакл-лантирилимоқда. Гап шундаки, энди вазир ва ҳокимлар лавозимига номзодлар тегишлича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари кенгашларида кўриб чиқилаёт-ганда улар томонидан коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ режа ҳимоя қилинишига оид тўғри йўлга қўйилади.

Бунинг аҳамияти шундаки, эндилик-да раҳбарлик лавозимига тайинланмоқчи

бўлган шахснинг дунёқарши, билим ва таж-рибаси билан бирга коррупцияга нисбатан муносабати унинг режа ва стратегияларида аниқ акс этиши ҳам энг муҳим мезонлардан бири ҳисобланади. Бу билан сиёсий масъу-лият ва шахсий жавобгарлик бир пайтда та-лаб қилинмоқда.

“Жиноятчиликка қарши курашиш ҳафта-лиги” давомида ҳар ойнинг 1-5-саналарида режа асосида “қизил” тоифадаги маҳаллалар-га тушиб, ҳар бир жиноятнинг келиб чиқиш сабаб ва омиллари таҳлил қилинади ҳамда прокурор ва ички ишлар органлари фаоли-яти самарадорлигини ошириш бўйича аниқ тавсиялар берилади. Демак, муаммо “Қайси маҳаллада нималар бўляпти?” деган савол билан эмас, “Нега бундай бўлди, нималар са-баб бўлди ва ким жавобгар?” деган ёндашув билан ўрганилади.

Коррупцияга қарши курашининг дол-зарб йўналишларидан бири давлат харидлари



ва йирик инвестиция лойиҳаларида шаффоф-лик ва рақобатни таъминлаш саналади. Эн-диликда давлат харидлари вақтида маҳсулот ёки хизматнинг бозордаги ўртча нархига нисбатан катта фарқ билан амалга оширилган ҳарид учун мансabdор жавобгар бўлади. Бу шунчаки тартиб эмас, чин маънода молиявий адолатни таъминлаш воситаси.

Тўғридан тўғри шартномалар орқали амал-га ошириладиган харидларни икки баравар қисқартириш бўйича тақдирлар ишлаб чи-қилади. Бу бежиз эмас, чунки тўғридан тўғ-ри шартномалар коррупция учун энг қўлай “эшик”, десак муболага бўлмайди. Бу янги тартиб эса шаффофликни оширади, тендерсиз, “таниш-билиш”лар орқали шартнома беришга чек қўяди, рақобат муҳитини яхшилайди.

Халқ давлат хизматини баҳолайди: “қониқарсиз”, демак, раҳбар жавобгар

Фармондан ўрин олган муҳим янгилик-лардан яна бири — энди халқимиз давлат хизматларини ўзи баҳолайди, ўзи назорат қи-лади. Бунинг учун 2026 йил 1 январга қадар вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимлик-лар томонидан кўрсатиладиган барча давлат



хизматларини туман (шаҳар) кесимида аҳо-лининг ўзи баҳолайдиган тизим жорий этила-ди. Бунда аҳоли томонидан “қониқарсиз” деб баҳоланган давлат хизматларини кўрсатувчи вазирлик, идора раҳбарлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларининг шахсий жавобгарли-ги белгиланади. Агар аҳоли “қониқарсиз” деб баҳоласа, раҳбар шахсан жавобгар бўлади. Мана шу халқчил ислохот!

Жамиятдаги ҳар бир инсоннинг ҳуқуқий муаммоларга эътибор қаратиши ва уларни ҳал қилиш учун осон ва ишончли механизм-лардан фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда интернет ва мобил илова ор-

назорат ҳақиқий барқарор тизим яратиш-нинг асосидир. Комплаенс назорат — фақат ҳуқуқий талабларга эмас, балки ахлоқ ва этикага ҳам боғланган тизим. У коррупцион ҳолатларни аниқлаш, уларга қарши чоралар қўриш, ташкилотлардаги шаффофлик ва ҳи-собдорликни таъминлашга ёрдам беради. Шу боис, 2021 йилдан бошлаб мамлакатимизда 117 та давлат органи ва ташкилотда бундай тузилмалар фаолияти йўлга қўйилди. Утган давр мобайнида уларнинг кўмагида сезилар-ли натижаларга эришилди, бунга тан олмай илож йўқ. Аммо қўйилган мақсад ва вазифа-лар ижросини таъминлаш, афсуски, қутил-ганидек бўлмади. Шу ўринда бунга нималар тўқсинлик қилди деган ҳақли савол туғили-ши табиий.

Биринчидан, шу пайтга қадар ички на-зорат тузилмаларининг ҳуқуқий мақоми, вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ҳамда мажбу-риятлари алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинмаган.

Иккинчидан, тизимда коррупцияга қарши курашишга доир чора-тадбирларни амалга оширишда раҳбар ҳодимларнинг шахсий намунаси, ташаббуси ва масъули-ят етишмади.

Учинчидан, қонунчиликда ички назорат тузилмалари масъул ҳодимлари фаолияти самарадорлигини мақсадли кўрсаткичлар — КРП асосида баҳолаш ва аттестациядан ўтқа-тиш тартиби белгиланмаган.

Тўртинчидан, ички назорат тузилмалар-ининг иш бевуҷисчи вазирлик ва идора-лар раҳбарлари бўлгани сабабли ташкилот тизимида мавжуд қонун бузилиши ҳолат-ларини фош қилиш учун уларда мустақил-лик етишмади. Шунинг учун йиғилишда тузилмалар фаолиятини давлатимиз раҳбари томонидан ҳам ўринли танқид қилинди ва назорат бўлиммалари ишини янгича тизим асосида ташкил этиш лозимлигига алоҳида уруғ берилди.

Шу мақсадда янги қарорда комплаенс назорат тузилмаларининг аниқ устувор ва-зифалари белгиланди. Уларнинг мустақил фаолият юритиши, реал таъсир кучига эга бўлиши учун муҳим асос яратилди. Янги қарорга кўра, коррупцияга қарши ички назорат бўлиммалари ўз фаолиятида бе-восита ташкилотнинг биринчи раҳбарига, уставиға кўра давлат улуши 50 фоиз ва ун-дан ортққ бўлган ҳўжалик жамиятларида эса кузатув кенгашига бўйсунди ва унинг олдида ҳисобдор бўлади. Давлат органла-ри ва ташкилотлари ҳудудий бўлиммалари, таркибий ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлиммалари раҳбар-лари ва ҳодимлари республика даража-сидagi давлат органлари ва ташкилотла-рининг биринчи раҳбарлари томонидан тайинланади ҳамда фаолияти мувофиқ-лаштирилади.

Яна бир муҳим янгилик — ҳодимларнинг моддий рағбатлантирилишини ташкил этиш-да Коррупцияга қарши курашиш агентлиги-нинг тақдирномаси мажбурий асосий ҳуж-жат ҳисобланишидир.

миллари тўғрисида”ги қонун қабул қилин-ганини ҳам эслаб ўтиш жоиз. Чунки мазкур қонун билан жисмоний ва юридик шахс-ларга мерос қилиб қолдириладиган умр-бод эгаллик қилиш, доимий эгаллик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли ер участкаларини ёки уларнинг қисмларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжи учун олиб қўйиш тартиб-таомил-лари белгиланган. Бироқ бу амалиёт жис-моний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкалари-га нисбатан татбиқ этилмайди. Бу агар ер участкаси хусусийлаштирилган бўлса, уни жамоат эҳтиёжига олиш фақатгина мулк-дор хоҳлаган микдордаги маблағни бериш эвазига амалга оширилади ёки сотиш нияти бўлмаса, ушбу жойда жамоат лойиҳалари амалга оширилмайди, дегани.

Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган майдонларни хусусийла-штириш жараёнини соддалаштириш, шаффоф-лигини таъминлаш ҳамда инсон омилни камайтириш (коррупциянинг олдини олиш) мақсадига аризаларни “Yerxususiyashtirish” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали кўриб чиқиш механизми жорий этилган.

Мерос қилиб қолдириладиган, доимий эгаллик қилиш, доимий фойдаланиш, му-датли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқи билан берилган бўш ер участкаларини сотиш му-мкин эмас. Лекин шундай ҳуқуқи бор шахслар бино-иншоот қуриб, қўшимча ерини сотишга ҳаракат қилади. Ҳозирги кунда бу амалиёт кенг тарқалган. Бу, табиийки, ортқча та-швиш ва сарф-ҳаражат келтириши мумкин. Лекин бизда бўш ерларни хусусийлаштириб олиб, кейин шу ҳолича олди-сотди қилиш им-конияти ҳам бор.

Ҳозир юртимизда ўзи эгаллаб турган ер участкаларини хусусийлаштириш иштиёқи-ни билдирган 90 мингта яқин хусусийлашти-

Қарор билан давлат органлари ва ташки-лотлари, устав фондида (устав капиталда) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортққ бўлган ҳўжалик жамиятларида коррупцияга қарши ички назорат бўлиммаларини ташкил этиш-нинг минимал мезонлари тасдиқланди. Бу жуда муҳим. Аниқ ва ягона мезоннинг мав-жуд эмаслиги амалиётда қатор қийинчилик, тушуномсизлик ва муаммоларни келтириб чиқараётган эди. Янги тартибга кўра, ҳудудий тузилмалар ва таркибий ташкилотлар мавжуд бўлмаган давлат ташкилотларининг марказий аппарати штат бирлиги сони 150 тагача бўлса, 1 нафар масъул ҳодим, 150-400 тагача бўлса, марказий аппаратда 2 нафар ҳодимдан иборат бўлима, 400 ва ундан ортққ бўлса, марказий аппаратда 3 нафар ҳодимдан иборат бўлима фаолият юритади.

Ҳудудий тузилмалар ва таркибий ташки-лотлар мавжуд бўлган давлат ташкилотлари-нинг марказий аппарати штат бирлиги сони эса 150 тагача бўлса, марказий аппаратда 2 нафар ҳодимдан иборат бўлима, ҳар бир ҳу-дудий тузилма ва таркибий ташкилотларда 1 нафардан масъул ҳодим, 150-400 тагача бўлса, марказий аппаратда 3 нафар ҳодимдан иборат бўлима, ҳар бир ҳудудий тузилма ва тарки-бий ташкилотларда 1 нафардан масъул ҳодим, 400 ва ундан ортққ бўлса, марказий аппаратда 4 нафар ҳодимдан иборат бўлима, ҳар бир ҳу-дудий тузилма ва таркибий ташкилотларда 1 нафардан масъул ҳодим фаолият юритади.

Давлат органлари ва ташкилотлари хо-димларининг белгиланган умумий сони ва ажратилган маблағлар доирасида ўзларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлиммалар-и учун ушбу минимал мезонларда назарда тутилганидан кўпроқ штат бирликларини белгилаши мумкин. Бунда белгиланган масъ-ул ҳодимлар штат бирликлари сони 7 ва ун-дан ортққ бўлган ҳўдаларда бошқарма, 2 ва ундан ортққ бўлган ҳўдаларда бўлим ташкил этилади.

Яна бир ҳолат: тизимдаги таркибий таш-килотнинг умумий штатлари сони 400 ва ун-дан ортққ бўлса, минимал мезонлар татбиқ этилади. Бу эса назоратнинг марказдан ҳудуд-ларгача етиб боришига имкон яратяди.

Соғлиқни сақлаш, Қурилиш ва уй-йўй коммунал ҳўжалиги, Сув ҳўжалиги вази-рликлари ҳамда “Ўзбекнефтегаз” ва “Ўзсув-таъминот” каби аҳамиятли тармоқларда 2027 йилгача тажриба тарзида тўғридан тўғри Коррупцияга қарши курашиш агент-лигига бўйсунадиган бўлиммалар ташкил қилинади.

Нима учун айнан шу бешта идора? Чунки улар халқ ҳаётига бевосита таъсир қилувчи асосий соҳалар. Бу амалиёт янги тизим сама-радорлигини синовдан ўтказиш учун муҳим тажриба мактаби бўлади. Ушбу ташкилотлар-да коррупцияга қарши ички назорат бўли-ммалари раҳбарлари тўғридан тўғри агентлик томонидан тайинланади ва бевосита унинг назоратида бўлади. Бу эса тизимли ютуқлар ва хато-камчиликларни аниқлашда “жонли лаборатория” сифатида хизмат қилади.

Эътиборли жиҳатлардан яна бири, комп-лаенс ҳодимлари энди махсус стажировка, малака ошириш курали ва аттестациядан ўтади. Уларнинг фаолияти КРП, яъни ички самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳо-ланади ва натижалар ҳар ярим йилда Кор-рупцияга қарши курашиш миллий кенгашига тақдим этилади.

Коррупцияга қарши курашишда мақ-садларнинг тобора қатъийлашяпти, саёб-ҳаракатларимиз аввалгиданга да жиддий тус оляпти. Бу кураш умуммиллий ҳаракат, сиёсий ирода ва шахсий масъулият маса-ласига айланди. Аммо қабул қилинаётган қарорлар ва жорий этилаётган механизмлар қанча пухта бўлмасин, агар ижро этилмаса, барчаси қоғозда қолиб кетиши ҳеч гап эмас.

Албатта, ҳар биримиз коррупциядан холи жамиятда яшашига сўзсиз ҳаққимиз, лекин бунга, аввало, ўзимиз масъулмиз. Шу боис, ўзгаришлар фақат давлатдан эмас, ҳар биримизнинг ҳалоликка интилишимиз-дан бошланади. Шахсий манфаатларимиз олдида ожизлик, қўрқоқлик, номардлик қилмасак, ҳалолик учун курашиб, турли баҳоналар билан ўзимизни оқламай, айбони бошқалардан изламай, бефарқликни енг-сак, кутган натижамиз, ўйлаган мақсадла-римизга эришамиз. Бу ҳақиқат ва уни тан олишимиз керак!

Мамлакатимизда ер қонунчилигига киритилган ўзгаришлар, бу борадаги кенг кўламли ишлар сўнгги йиллардаги энг муҳим ислохотлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Нега? Чунки жадал глобаллашув шароитида барқарор ва инклюзив иқтисодий ўсишга эришиш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, инвестициялар оқимини кучайтиришда ерни тўлақонли иқтисодий муомалага киритиш долзарб аҳамиятга эга. Бунгача давлат мулки ҳисобланган ер фуқаролар ва юридик шахсларга фақат фойдаланиш учун, яъни эгаллик қилиш ёки ижара ҳуқуқи асосида берилар эди. Бугунги кунга келиб эса қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерларни хусусий мулк сифатида расмийлаштириш имконияти мавжуд.

Бунга қандай зарурат бор эди?

Қайд этганимиздек, бизда яқин ўтмишга-ча ер участкалари фақат давлат мулки ҳисоб-ланган. Ер юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ҳамда шаҳарсозлик фаолияти учунгина даврий фойдаланиш учун тақ-дим этилган, холос. Аҳолига тегишли уйлар уларнинг хусусий мулки саналса-да, қонун-чиликка кўра, иморат жойлашган ер давлат иктиёрида бўлган. Қолаверса, ер участкасига нисбатан мулк ҳуқуқи тўлиқ қафолатланма-гани ундан иқтисодий актив сифатида фой-

Ислохотлар амалда ЕРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СЎНГГИ ЙИЛЛАРДАГИ ЭНГ МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАРДАН БЎЛДИ



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

даланиш имкониятини чеклаб, инвестицион жозибадорликка салбий таъсир кўрсатарди. Бу эса ер қонунчилигини ислоҳ қилиш, хусу-

сан, ерга нисбатан мулк ҳуқуқини шакллан-тиришни талаб этарди. Шундан келиб чиқиб, 2019 йилда қишлоқ ҳўжалигига мўлжаллан-

маган ерларни хусусийлаштириш бўйича қо-нун ишлаб чиқилди. У кейинчалик такомил-лаштирилиб, 2021 йилда янги тахрирда қабул қилинди. Шундан сўнг бошқа бир қанча қо-нуности ҳужжатлар амалиётга киритилди.

Моҳияти ва афзалликлари

Ерни хусусийлаштиришнинг асосий тамо-йилларидан бири — мазкур жараён одамлар хоҳишига кўра, ихтиёрийлик асосида амалга оширилиши керак. Уларни бунга мажбурлаш қатъий тақиқланади. Бу борада аҳоли орасида кейинги пайтларда бир неча сўров ва тадқи-қотлар ўтказилди. Натижалар кўрсатдики, акс-арият ер мулкдорларида “Ўзим яшаб турган ёхуд фойдаланиб келаётган ер участкамиз ҳеч ким бўзмайди, шунча йиллардан бери фойдаланиб келяпман, бундан кейин ҳам ҳеч ким тегмайди”, деган фикр мавжуд.

Лекин шу ўринда 2022 йилда “Ер участ-каларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-тао-

риш субъекти мавжуд. Бу рақамлар қон сайин ўсиб бормоқда. Чунки ерни хусусий мулк қилиб олиш орқали фойдаланувчи ерининг ҳуқуқий қафолати ва хавфсизлигини таъмин-лаши, иқтисодий активга айлантириши, мав-жуд молиявий имкониятлардан фойдаланиши мумкин.

Мазкур ислохот шунчаки ерга эгаллик шаклини ўзгартириш эмас, балки кенг қам-ровли институционал ва маъмурий исло-хотларнинг таркибий қисмидир. Унинг туб негизида шахсий мулк дахлсизлигига ва тад-биркорлик фаолияти эркинлигини амалда қафолатлашга қаратилган тизимли ёндашув ётади. Юридик ва жисмоний шахслар учун ер участкаларини иқтисодий айланимга тў-лиқ киритиш, уларни эркин сарфлашга этиш, олди-сотди, ҳада қилиш, гаровга қўйиш каби мулккий муносабатларнинг объектига айлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий за-мин яратди. Натижада ер нафақат фойда-ланиладиган ресурс, балки ҳақиқий бозор активи ва капитал манбаига айланмоқда. Мулк эгалларининг ҳуқуқий қафолатлари ва иқтисодий имкониятлари сезиларли дара-жада кенгаймоқда.

Шахсий мулк дахлсизлигини амалда таъ-минлаш, ердан фойдаланиш самарадорлиги-ни ошириш, инвестицион муҳитни яхшилаш ва ишбилармонлик фаолиятини рағбатланти-риш орқали мазкур ислохот Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида бар-қарор ривожланиши, аҳоли фаровонлигини ошириш ва бизнес ҳамжамияти ишончини янада мустаҳкамлаш йўлидаги стратегик аҳа-миятга эга муҳим қадамдир.

Диёр ЭРГАШЕВ,
Макроиктисодий ва ҳудудий
тадқиқотлар институти
лойиҳа раҳбари

Тараққиёт одимлари

Сўзим аввалида янги Ўзбекистонда биргина ёшлар сиёсати соҳасидаги ислохотларнинг жаҳон миқёсда тан олинаётганини англагандиган бир неча муҳим кўрсаткичга эътиборингизни қаратмоқчиман. Сўнгги 7 йилда Ўзбекистон томонининг ёшлар масалаларига оид ўнга яқин глобал ташаббус ва таклифини БМТ тан олиб, халқаро миқёсда кенг оммалаштирди. Ўзбекистон БМТнинг “Ёшлар — 2030” стратегиясини амалга ошираётган 10 та давлат қаторига киритилди. 2023 йилда Ёшлар тараққиёти индексига кўра, Ўзбекистон ёшлар сиёсати соҳасида энг тезкор суръатлар билан ривожланаётган мамлакат деб эътироф этилди. 2022 йилда Бухоро шаҳри биринчи Туркий дунё ёшлар ташаббуслари пойтахти, 2024 йилда Тошкент шаҳри биринчи МДХ ёшлар пойтахти деб эълон қилинди...


Алишер САЪДУЛЛАЕВ,
Ёшлар ишлари агентлиги
директори, сенатор

икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш мақсадида қатор самарали учрашувлар ўтказдик.

БМТ расмийлари билан мулоқотлар

БМТ Бош қотиби ўринбосари, БМТ Ёшлар офиси раҳбари Фелипе Паулиер билан мулоқот кўтаринки ва илиқ руҳда ўтди. Фелипе Паулиер Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида ёшлар сиёсати бўйича ҳақиқий намуна сифатида ажралиб турганини таъкидлади. БМТнинг “Ёшлар стратегияси — 2030” доирасида Ўзбекистон дунёнинг энг илгор 10 мамлакати қаторидан жой олгани, “Келажак пакти” ташаббусининг минтақада айнан Ўзбекистонда намуна сифатида йўлга қўйилгани алоҳида эътироф этилди.

Фелипе Паулиер жорий йил май-июнь ойларида Ўзбекистонда ўтказиладиган Глобал ёшлар фестивалида иштирок этиш истагини билдирди.



Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ёшлар делегацияси томонидан “Ёшлар етакчилигида илмий инновациялар, сиёсий ва амалий ҳаракатлар: Келажак учун ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусида давра суҳбати ташкил этилиб, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги амалий ишлар ва келгусидаги режалар намойиш этилди.

БМТ Бош қотиби ўринбосари, Денгизга чиқиш имконияти чекланган давлатлар бўйича олий вакил Фотима Рабаб билан учрашувда Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиш тенденциялари, Тошкент шаҳрида БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти — ФАО ҳамкорлигида ташкил этилган “Денгизга чиқиш имконияти чекланган, ривожланаётган давлатларда озиқ-овқат хавфсизлиги ва Барқарор ривожланиш мақсадлари” халқаро форумининг аҳамияти, келгусидаги тадбир ва лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди.

Туркменистонда ўтказилиши режалаштирилган Денгизга чиқиш имконияти чекланган ривожланаётган давлатларнинг 3-конференцияси доирасида ёшлар форумини ташкил этиш ҳамда 2025 йил май ойида ўтказиладиган Рақамли “яшил” ташаббуслар глобал ёшлар фестивалида Фотима Рабабнинг иштироки юзасидан келишувга эришилди.

Форум кун тартибидан ўрин олган яна бир учрашув ЮНЕСКОнинг Нью-Йоркдаги ваколатхонаси раҳбари Эллиот Минченберг билан бўлди. Учрашувда жорий йил октябрь ойида ЮНЕСКОнинг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши кўзда тутилган 43-сессияси доирасида 14-ЮНЕСКО Ёшлар форумини ҳамкорликда ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди. ЮНЕСКО вакили Ўзбекистонни бундай юксак ишонч ва масъулият билан табриклади.

Таълим ва стартаплар соҳасида ҳамкорлик ривожланади

Бугунги кунда дунёнинг топ олий ўқув юртиларида 1,5 мингдан зиёд талабамиз ўқувчил олмақда. Бу илгари Ўзбекистон тарихида



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАЖРИБАСИ БМТНИНГ ЁШЛАР ФОРУМИДА ЮКСАК ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

кузатилмаган кўрсаткич. Сўнгги 7 йилда биргина “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали 2300 еш хорижга ўқиш учун юборилган. Давлатимиз раҳбари шу йил 14 февраль куни мамлакатимиз ёшлари билан ўтказган

раҳбари ташаббуси билан ҳар йили ўн минглаб талабанинг контракт пуллари давлат томонидан қоплаб берилаётгани, талаба қизларга фозисиз таълим кредитлари ажратиляётгани, магистратурада ўқитиш тўлиқ бепул амалга ошириляётгани, эндиликда камбағал оилаларнинг иқтидорли фарзандлари ҳам чет элдаги нуфузли олий ўқув юртиларида тахсил олиши учун шарт-шароитлар яратиляётгани эътироф этилди.

Жонли ва самимий руҳда ўтган учрашувлар якунида “Yoshlar Ventures”, Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси билан “NY Tech Alliance” ва “The FedCap” ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Ўйлайманки, бу технологик ривожланишга қизиққан ўзбекистонлик ёшлар учун янги имкониятлар, тажриба алмашиш ва мутахассисларни жалб қилиш йўлида муҳим қадам бўлади.

Делегациямиз Калифорния штатининг Силикон vodiysida “Coursera”, “500 Global”, “Plug and Play”, “Silkroad Innovation Hub”, “HP”, “Google”, “StartX” компаниялари, Минерва ва Стэнфорд университетлари вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Ҳамкорлик анжуманларида Ўзбекистон ёшларини глобал рақамли билимлар тизимида интеграция қилиш, замонавий кўникмаларни ривожлантириш, онлайн курслар орқали касбий малака ва рақобатбардорлигини ошириш, таълимни меҳнат бозори талабларига уйғунлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар таълим соҳасидаги стратегик ҳамкорликни кучайтириш, ёшларни сифатли таълим ресурсларига жалб этиш ҳамда бандлигини таъминлаш юзасидан фикр алмашди.



АҚШ сафари давомида эришилган келишувларни муваффақиятли амалга ошириш, ватандошлар билан учрашувларда билдирилган таклиф ва ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида алоҳида “йўл харитаси” ишлаб чиқилмоқда. Ишончим комилки, БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши Ёшлар форуми доирасида эришилган келишувлар юртимиз ёшларига янги имкониятларни яратиб, пировардида ёшлар сиёсати соҳасида Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда “Coursera” онлайн таълим платформаси, “Plug and Play — Uzbekistan” филиали, “Silkroad Innovation Hub”, “Startx” компаниялари билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Учрашувда “Silkroad Innovation Hub” компанияси Марказий Осиё ва Ўзбекистон учун махсус янги — “Силикон vodiysida амалиёт дастури” лойиҳасини тақдим этди. Эътиборга

молик жиҳати шундаки, “Silkroad Innovation Hub” компаниясига Стэнфорд университети битирувчилари Ўзбекистонлик Асрор Араб-жонов ва қозогистонлик Асет Абдуалиев асос солган. Улар тақдим этган дастурга кўра, ўзбекистонлик 10-11-синф ўқувчилари ўртасида маҳаллий стартаплар чемпионати ўтказилиб, голиб ва совриндорларни Калифорния штатининг Пало Алто шаҳрида жойлашган Силикон vodiysiga 1 ойлик махсус амалиёт дастурига юбориш кўзда тутилган.

Умуман, делегациямизнинг таълим, тадбиркорлик ва маънавий-маърифий йўналишдаги мулоқотлари кутилгандек самарали ўтди. Стэнфорд университетида дунёга машхур “Venture Mindset” китоби муаллифи — профессор Илья Стребулаев билан учрашув ҳам шулардан бири бўлди. Профессор Ўзбекистонда стартапларни ривожлантириш ва венчур фондларни қўллаб-қувватлаш каби масалалар юзасидан тавсиялари билан ўртоқлашди. Мулоқотда профессорнинг машхур китобини ўзбек тилига таржима қилиш ҳамда китоб тақдимотида муаллифининг иштироки масалалари муҳокама қилинди.

Инновацион таълимнинг жозибадорлиги

Шу ўринда Ўзбекистон ёшлар делегациясининг АҚШ сафаридаги муҳим воқеалардан бири Сан-Францискода жойлашган Минерва университетида ташрифи ҳақида атрофича тўхталмоқчиман. Дунёнинг энг инновацион олий таълим муассасаларидан ҳисобланган

“Эл-юрт умиди” стипендианти — Нью-Йоркда тахсил олаётган қорақалпоғистонлик Гулхумор Жаҳсиликваннинг ҳикояси — чекка қишлоқдан бошланган йўли, орзулари ва жасорати бугунги ислохотлар самараси сифатида эътироф этилди. БМТ Бош қароргоҳи кузурдигари Халқаро савдо марказида фаолият юритаётган Дияра Шукуро-ва ҳам ёшларимизнинг халқаро майдондаги нуфузини яна бир бор намоён этди. Нью-Йоркдаги бу самимий учрашув янги режалар ва халқаро лойиҳалар учун мустаҳкам замин бўлди, десам адашмайман.

АҚШ сафари давомида эришилган келишувларни муваффақиятли амалга ошириш, ватандошлар билан учрашувларда билдирилган таклиф ва ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида алоҳида “йўл харитаси” ишлаб чиқилмоқда. Ишончим комилки, БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши Ёшлар форуми доирасида эришилган келишувлар юртимиз ёшларига янги имкониятларни яратиб, пировардида ёшлар сиёсати соҳасида Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади.

жамиятда имконияти қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро тенг ҳуқуқли деб қабул қилингандagina инсонпарварлик гоълари ҳақиқий ифодасини топади, — дейди Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази шифокори Икромиддин Бозоров.

Соғлиқни сақлаш вазирилик ташаббуси билан 25 апрелдан 25 майга қадар мамлакатимизнинг барча ҳудудида “Соғломлаштириш ойлиги” ўтказилмоқда. Ойлик доирасида эҳтиёжмандларга тезкор ва манзилли ёрдам кўрсатиш, ҳудудларда ижтимоий ҳимояга муҳтож, камбағаллик реестрига киритилганлар орасида касалликларни эрта аниқлаш мақсадида Шўрчи туманидаги 89-оилавий шифокорлик поликлиникасида бепул тиббий кўрик ва скрининглар ташкил этилмоқда. — Биринчи навбатда, ўзгалар парваршишга муҳтож кексалар, ётиб қолган ногиронлиги бор беморлар махсус мобил бригадалар томонидан уй шароитида текширувдан ўтказилмоқда, — дейди шифокор Бахтиёр Абраев. Тиббий кўрик натижа-сида аниқланган беморлар хавф омиллари, касаллик гуруҳлари бўйича тоифаларга ажратилади. Шундан сўнг хасталик тахминси тасдиқланган беморлар учун индивидуал соғломлаштириш режаси тузилади. Амбулатор, уй шифохонаси ва кундузги стацио-нарда саломатлигини тиклайдиган аҳоли вакиллариغا оилавий шифокорлик пункти ва поликлиникаларда мавжуд дори-дармонлар бепул берилади.

тажрибаси билан ажралиб туради. Универси-тет асосчиси ва ректори Бен Нелсон билан му-лоқотда айни тажрибаларни Ўзбекистондаги олий ўқув юртиларига мослаштириш масалала-рини кўриб чиқдик.

Бен Нелсоннинг фикрича, университетдаги сифатли таълим учун энг муҳим омил катта, қиммат кампус эмас, балки саёҳат орқали ўр-ганишдир.

Унинг таълим моделига кўра, талаба 4 йил (8 та семестр)ни 7 та шаҳарда ўтказади ва амалиётда қатнашади. Биринчи ва охириги семестр Сан-Францискода, қолганлари Сеул, Тайпей, Ҳайдаробод, Буэнос-Айрес, Токио ва Берлинда ўтади. Академик йил давомида талаба профессорлар билан доимий мулоқот-да бўлади ва дарслар инновацион платформа орқали амалиёт билан уйғунликда олиб бори-лади.

Университет битирувчилари дунёнинг ну-фузли компанияларига ишга киримоқда. Чунки компанияларга ҳаммасини бошидан ўргатиш керак бўлган одамлар эмас, балки соҳа ичида тажрибага эга ёшлар керак.

Минерванинг таълим моделидан намуна олиб, мамлакатимизда ҳам стартап экотизми-нини мустаҳкамловчи ва талабаларга ама-лий билим беришга йўналтирилган дастур-ларни жорий этиш зарур деб ўйлайман. Бу нафақат инновацион гоъларини қўллаб-қув-ватлаш, балки илм-фан билан бизнес ўрта-сидаги интеграцияни кучайтириш имкони-ни беради.

Ўзбекистон ёшларининг Минерва таж-рибасини ўрганишга қизиққиси мамла-катимизда инновацион таълимга эҳтиёж ортаётганини кўрсатади. Узоқ муддатли истиқболда бундай ташаббуслар глобал би-лим майдонига интеграциялашувнинг асо-сий омилларидан бири бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

АҚШдаги ватандошлар билан учрашувлар

Хориждаги ватандошларнинг муаммола-рини ўрганиш ва уларга ечимлар топиш дав-латимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Шу боис, АҚШдаги ватандошлар билан учрашувларимиз жуда самимий ва са-марали ўтганини таъкидлашни истардим. Хусусан, Нью-Йоркдаги “Mahalla USA” ва “ЗиеАрт” таълим марказида ватандошлар ҳам-жамиятлари раҳбарлари ва тадбиркорлик фао-лияти билан шуғулланаётган ҳамюртларимиз билан мулоқот қилдик.

Учрашувда Грин карта (Green card) ор-қали АҚШга кириб келётган ватандошлар-нинг аксариятида қонун-қондаларини, тил ва касб билмаслик ҳолатлари муаммога ай-ланиб бораётгани, АҚШга келиш истагини билдирган ватандошлар учун махсус мос-лашув дастурини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Америка олий ўқув юртиларида тахсил олаётган ёшларимиз ҳам кўпчилиكنи таш-кил этади. Шу боис, делегациямиз вакиллари “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипенди-тлари ва Ivy League (Печак лигаси — АҚШдаги 8 та нуфузли хусусий университет)да тахсил олаётган иқтидорли талабаларимиз билан очик мулоқот ўтказди. Учрашувда технология, таълим, иқтисодиёт, тиббиёт каби долзарб йў-налишларда фикр алмашилди, таклиф ва та-шаббуслар илгари сурилди.

“Эл-юрт умиди” стипендианти — Нью-Йоркда тахсил олаётган қорақалпоғистон-лик Гулхумор Жаҳсиликваннинг ҳикояси — чекка қишлоқдан бошланган йўли, орзулари ва жасорати бугунги ислохотлар самараси сифатида эътироф этилди. БМТ Бош қароргоҳи кузурдигари Халқаро савдо марказида фаолият юритаётган Дияра Шукуро-ва ҳам ёшларимизнинг халқаро майдонда-ги нуфузини яна бир бор намоён этди. Нью-Йоркдаги бу самимий учрашув янги режалар ва халқаро лойиҳалар учун мустаҳкам замин бўлди, десам адашмайман.

АҚШ сафари давомида эришилган кели-шувларни муваффақиятли амалга ошириш, ва-тандошлар билан учрашувларда билдирилган таклиф ва ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида алоҳида “йўл харитаси” ишлаб чи-қилмоқда. Ишончим комилки, БМТнинг Иқ-тисодий ва ижтимоий кенгаши Ёшлар форуми доирасида эришилган келишувлар юртимиз ёшларига янги имкониятларни яратиб, пи-ровардида ёшлар сиёсати соҳасида Ўзбеки-стоннинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада юк-салтиришга хизмат қилади.

ЭНГ КУЧЛИ ВА ҲАЁТИЙ ТАСКИН

Дурдона Очилдиева Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида яшайди. Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтини тамомлаган. Параспортнинг қамондан ўқ отиш тури билан шуғулланади. Барча сингари ҳаётини яхши кўради, ўзининг орзу-мақсадларидан куч олади.

Мамлакатда ўзи каби имконияти чек-ланганларга яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, ниятларини рўёбга чи-қариш учун астойдил интилади. Тақдир та-қозосига кўра, протез мосламаси билан ҳара-катланувчи қизнинг режаси кўп.

Сурхондарё вилоятидаги нотиронлиги бўл-ган шахсларни реабилитация қилиш ва про-тезлаш марказида 4 та бўлим фаолият юрита-ди. Бу ерда 20 дан ортик касаллиكنи даволаш учун замонавий тиббий анжомлар мавжуд.

— Ҳаётдан умидим бутунлай узилган эди. Тўшака михланиб қолгандим. Икки кўзим телевизорда, қисматим шу экан-да деб ётаве-рардим. Давлатимизнинг эътибори туфайли Термиздаги реабилитация марказида менга янги имконият берилди. Энди ўзимни яхши ва енгил ҳис этияман, — дейди Дурдона.

Ҳозир Термиздаги реабилитация маркази-да спорт зал ҳам мавжуд. Бу ерда барча спорт анжомлари жамланиб, махсус тренерлар



ишламоқда. Спорт залдаги шаронг юртдош-ларимиз саломатлиги тезроқ тикланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Вужуди хасталикдан озор чекаётганлар-ни ҳаётдан завқ олиб яшашга ундайдиган энг

кучли таскин — умид! Умидворлик ҳисси до-имий меҳр ва эътибор кўрган қабилаарда илдиз отади, жўш уради, — дейди психолог Умида Йўлдошова. — Уларнинг руҳиятини кўтариш орқали касаллиكنинг ярмини даволаш мумкин.



— Аввало, энг чекка ҳудудларда ҳам но-гиронлиги бўлган шахслар учун яратилаёт-ган шароитлар нафақат моддий ёрдам, балки уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига қаратилган амалий тадбирлардир. Аслида,

С. ТЎРАЕВ,
журналист

6

2025 йил 3 май, 90-сон

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz.uz

Албатта ўқинг!

Баркамол соддалик

(“Сўз латофати” китобидан)

Одатда шоирлар маҳорат пиллапояларидан юксалиб, аввал соддаликдан мураккабликка, сўнг мураккабликдан яна соддаликка қараб юрадилар. Лекин бу орқага қайтиш эмас. Икки соддалик ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Дастлабки соддалик жўнлик даражасида бўлса, кейингиси баркамоллик саналади. Шеърим соддаликда шухрат қозонган, деб ёзганда Ғафур Ғулом бадиий маҳоратнинг юксак босқичини кўзда тутган.

Ўйласам, тиллар тараққиёти ҳам шундай босқичлардан ўтар экан. Дунёда лугат бойлиги мингта сўзга етиб-етмайдиган ибтидоний қабилалар ҳам, сўз хазинаси миллиондан ошадиган мутараққий миллатлар ҳам бор. Қабилла учун мингта сўз етиб ортади, лекин маданияти юксак халқларга миллион ҳам камлик қилиб, бошқа тиллардан сўз оладилар.

Тилларни қиёсий ўрганувчи олимлар сўз қурилишининг соддалигини, қоидаларнинг аниқ ва изчиллигини, истисноларнинг камлигини муайян тилнинг баркамоллиги, деб қарайдилар. Бу айни ҳақиқат. Тил тараққий этгани сари чигалликлардан қутулиб борар экан. Шу ўлчов билан тарозуга қўйсак, ўзбек тили дунёнинг энг ривожланган тиллари қаторида туради.

Баркамоллик сўз яшашнинг соддалиги, қулайлигидан бошланади. Биз икки сўзни ёнма-ён қўйиб, ортиқча қўшимчаларсиз янги сўз ясаймиз. **Сопол товоқ, темир йўл, кумуш қошиқ, ёғоч оёқ, тахта кўприк, тилла узук**, деймиз-қўямиз. Бошқа тиллардаги каби икки сўз ўртасига воситачи тиркама қўйиб ўтирмаймиз. Инглизларда ҳам сўз яшаш жуда оддий. **Оёқнинг ёнига тўпни** қўйиб, **футбол** сўзини қурганлар. Ўзбекчада **оёқ тўп** деса бўлади. Лекин рус тилида **нога** билан **мяч** ўзаро бирикмайди. Уларни қўйиш учун дастлаб **нога** сўзини сифатга, яъни **ножнойга** айлантириш керак. Энди **мяч** сўзининг музаккар ё муанаслигини, мужской ё женский родда эканини аниқлаш лозим. Охирида юмшатиш белгиси бор сўзлар ярми — музаккар, ярми — муаннас. Буни аниқлашнинг қоидаси йўқ. **Мяч** **ножной** бўладими ё **ножная**? Нега **нога** сўзи сифат шаклига кириб **нож** бўлди ва **пичоққа** айланди? Билмаган одам билмайди. Бундай мураккабликлар тилнинг беағи эмас.

Биз ўз тилимиздаги соддалик ва аниқлик қадрига етишимиз керак. Бошқа тилларга тақлид қилиб сўз ясаш қоидасини илмий таҳрирдан ўтказишга ҳожат йўқ. **Нон дўконни, кўл соати, қор одами, кўз ёши** — асасма сўзлар. Оддий халқ — **кўл соат, нон дўкон, қор одам, кўз ёш** дейди ва ўзбек тили қоида-сига риоя қилади. Қоида яратувчилардан кўра тўғрироқ айтади. Ахир **билак узуги, кўл қоли, ер ёнгоғи** демаймиз-ку. Хамма бирдай **кўлпоқ, биллагузук, ер ёнгоқ** дейди. Соҳибқирон бобомиз Амир

Кавказга бошқа, Бокуга бошқа, далага, овга бир хил, **тоғларга, дарёга** бошқа хил, **даволашишга** алоҳида, **шифохонага** алоҳида сўқмоқ орқали борадилар. Бу сўқмоқларда адашиш ҳеч гап эмас.

Киймоқ ва кийдирмоқ кўпгина тилларда бир хил айтилади. Руслар ҳам ҳар икки ҳолатда **одевать** сўзини ишлатадилар. Бизлар ўзимиз **киямиз**, бошқага **киядирамиз**, иккинчи одамга айтиб, учинчи одамга **кийдиртирамиз**, ҳатто уч кишини ўртада восита қилиб тўртинчи одамга **кийдиртиргизамиз**. Қани бу ишни бошқа исталган тилда бир сўз билан айтиб кўринг-чи! Овора бўласиз!..

“

Дунё тилшунослари эътироф этган соддаликда буюк, бойликда уммон тилимиз бор. Унинг ижодкори донишманд халқимиз, элнинг минг йиллар давомида етиштирган улуг олимлари, шоирлари, закий фарзандлари. Бу улкан бойлик бизники, қонуний мерос эгаси биз бўламиз.

Эркин Воҳидов

Сўз латофати

Темур, буюк темурийзода Захриддин Бобур ўз фарзандларига **Шохруҳ** деб, **Ҳиндол** деб исм берганларида туркий — ўзбек тилининг ана шу гўзал имкониятидан заргарона фойдаланган.

Ўзбек тилида отлар ва феъллар жинси фарқланмайди. Сўзларнинг музаккар-муаннаси, эркакча-айелчаси йўқ. Ҳаммаси бир хил. Бу ҳам сўзларни осонлаштиради. Мен ўзим шунча йил рус тилида муомала қилиб, ҳали ҳамон родларни адаштираман. Нега **день** — мужской, **ночь** — женский родда? Нега **октябрь** — тёплый, **осень** тёплага? Не сабаб **дич** — бошқа, **соболь** — бошқа жинсда? Мен учун тушунарсиз. Ўз тилимдан қўймасин, дейман.

Биз бирор калимга оддийгина **чи** қўйсак касб-хўнар эгасининг номи чиқади. **Ишчи, ёзувчи, ўрмончи, бўёқчи, асалчи** каби. Бундай содда сўз яшаш ҳам барча тилларга хос эмас. Руслар биз сананган атамаларни **рабочий, писатель, лесник, маляр, пчеловод** дейдилар. Хўнар эгаси яшашнинг шакли кўп аниқ қондаси йўқ. Ҳар бирини ёдлаб олиш керак бўлади.

Биз бирор ишга ё воқеага сабаб бўлган одамни **сабабчи** деймиз. Рус тилида **причина** бор, лекин бу сўздан **сабабчи** ясаб бўлмайди. Шу боис тўй-тантана сабабчисини ярим ҳазил билан **виновник торжества** дейдилар. Бошқа сўз бўлмаса нима қилсинлар? Жўналиш келишиги яшаш ҳам ўзимизда осон. Ҳамма сўзга тиркаса бўладиган **за** қўшимчаси бор. Руслар Киевга борсалар **в Киев**, Украинага борсалар **на Украину**, дейдилар. Уйга кетсалар — **домой**, ишга кетсалар — **на работу**, ишхонага эса — **в кабинет**.

Бу сўзларни сиз ўзбек тилига тенг келадиган тил йўқ экан, деб тушунманг. **“Муҳокамат ул-луғатайн”** ҳам бундай мақсадда ёзилмаган. Баҳсимиз она тилимизнинг кенг имкониятлари тўғрисида, ҳеч бир тилдан кам эмаслиги устида бормоқда. Очигини айтиш керак, лугат бойлигимизда биздан устун, сарфу наҳви бизникидан мукамал тиллар бор. Абдулла Қодирий **мехробдан чаён** иборасини русча шаклдан олган. Ўзбекчада **мехробдан чиққан чаён** бўлиши керак эди. Биз ҳеч вақт **қишлоқдан одам**, ёки **тандирдан патир** демаймиз. **Қишлоқдан келган одам, тандирдан узилган патир** деймиз. Лекин сўзнинг энг яхшиси — энг қисқаси бўлади. Рус тилидаги шакл қисқароқ ва соддароқ бўлгани учун Қодирий бобога маъқул келибди. Улуғлар қўйган қадам, албатта, ўзининг издошларини топар экан. **Мехробдан чаёнга** тақлидан **ён дафтардан кўчирма, қишлоқдан хушхабар, яхшидан иборат** каби сарлавҳалар қўямиз. **Мозийдан садо** номи журналимиз бор. Пушкуннинг машҳур шеърини **Курьондан иктибос** деб таржима қилганмиз.

Ўзбек тилининг яна бир фазилати — маънодош сўзларга бойлиги. Бирон сўз йўқки, бошқа бир муқобили йўқ калимани топиш қийин бўлсин. Бу сифат илмда тавтологию деб аталувчи меъдага тегадиган қайтариқларнинг олдини олади. Ҳозиргина сўз деган сўзни такрор айтимаслик учун **калима** дедик. **Суҳан** десак ҳам бўлади. Бошқалар, масалан, тил мавзусида рисола ёзсалар, **тил** деган сўзни жонга теккунча қайтарадилар. Чунки уларда бу тушунчани билдирадиган бошқа истилоҳ бўлмайди. Биз **тил** ҳам, **лисон** ҳам, **забон** ҳам дейишимиз мумкин.

Тилимизда шаклдош сўзлар ҳам бисёр. **Тур** сўзида юз тур маъно ва маъно ранглари бор. Урнингдан **тур**, жойингда **тур**, сўзингда **тур**, ҳали шошмай **тур**; маҳсулот **тури**, турлича ҳолат, турланадиган одам; мусобақанинг биринчи, иккинчи **тури**; **Тур** тоғи; сарфу наҳв истилоҳи — **турланиш** ва **тусланиш**... Ёки **бор** сўзининг рангинлигига қаранг! Мактабга **бор**, вақтинг **бор**, неча **бор** айтдим. Мумтоз адабиётда **бор** сўзининг юк маъноси ҳам бор. **Бори дил** деб дил юки, қалб изтиробли айтилади. Сарой маъмурлари **бор аҳли** дейилади. **Бор** — **мева**ни ҳам, **ижозат**ни ҳам, **ёғдирувчини** ҳам англатади. **Зулфи анбар-бор**, деганда хушбўй анбар таратувчи сочини тушунамиз.

Бир сўзда кўп маъно бўлса, тилнинг шираси ортади. Чиройли сўз ўйинлари қилиш, аския айтишга имкон беради. Бундай нозик маъно товланишлари зукко одамларга завқ бағишлайди, шеърятда ийхом санъати, туюқ жанрини ҳосил қилади. Мирзо Бобур: **Нечаки бориб эшигига бор топмадим**, деганда **бор** сўзининг тўрт маъносини кўзда тутган. Эшигига бориб деганда **бор** — **бормоқ** феълнинг ўзаги, **бор топмадим** дегандаги **бор борлик**, мавжудлик ифодаси. **Бор топмадим** иборасининг яна бир яширин маъноси — **ижозат топмадим, рухсат олабимладим**. Байтда ошкор айтилмаган, фақат кўзда тутилган яна бир маъно — **нечаки бориб** ибораси **нечаки бор** қисмида яширилган. Бу ўринда **нечаки бор** — **неча марта** мазмунда келади. Ошиқ машука эшигига **неча бор борди**. Ёр ҳар гал уйда йўқ бўлади, **бор** толиб бўлмайди. Кўрмоққа ижозат, яъни **бор** олиш ҳам имконсиз. Чунки ёрнинг ўзи **бор** эмас. Бундай санъат имкони ўзбек тилидек бой ва рангин тилдагина бор.

Ўзбек тилининг яна бир қулайлиги — кўплик яшашнинг осонлиги. Рус тилида **дед** — **деды, отец** — **отцы, мать** — **матери, брат** — **братья, сестра** — **сёстры, ребёнок** — **дети** шаклида кўпайтирилади. Маана сизга биргина яқин қариндошлар ичидаги кўплик шакллари. Бу хил усуллар кўп, лекин умумий қоида йўқ. Ҳар бир ҳолатни ёд олиш керак. Араб тилида ҳам шу мураккаблик бор. **Фанлар** — **фунун, олимлар** — **уламо, набийлар** — **аниб, хаёл** — **хаёлот, султонлар** — **салотни, қаламлар** — **ақлом, туркманлар** — **тарокима** кўринишида жамъ бўлади. Уларнинг барини ёд олиш араб тилини ўрганувчиларга осон эмас. Ўзбеклардаги битта **лар** шоху гадога баробар.

Тилимиздаги яна бир енгиллик шукки, саногий айтилган нарсаларга кўплик белгиси **лар** қўшилмайди. Бу мантиқан тўғри, чунки санокнинг ўзи кўпликни ифода қилади. Рус, инглиз тилларида саногий маъмул нарсаларга ҳам кўплик белгиси қўйилади. Бу икки тил тасвиринда бизларда ҳам **ўнта китоблар, ўн иккита курсилар** дегувчи чала мулалар пайдо бўлди. Бу ҳол ўз она тилининг фазилатини билмаслик, менсимасликдир.

Дунё тилшунослари эътироф этган соддаликда буюк, бойликда уммон тилимиз бор. Унинг ижодкори донишманд халқимиз, элнинг минг йиллар давомида етиштирган улуг олимлари, шоирлари, закий фарзандлари. Бу улкан бойлик бизники, қонуний мерос эгаси биз бўламиз. Биз миллионерлармиз. Бу хазинани асраб кўпайтирмоқ ҳам, соғирмоқ ҳам мумкин. Очигини айтганда, сўнгги юз йил ичида тил бойлигимиз соғирди.

Бир замон сафарда, турли миллат адиблари жам бўлган даврада, **до свидания** сўзининг ўзбекчаси нима бўлади, деган саволга **чао** дея жавоб қайтариб, дўстларини қулдирган эдим. Ўша вақтда, дарҳақиқат, **чао** бутун дунёда удуз бўлган, инглиз ҳам, хитой ҳам, ўзбегу қозоқ ҳам **чао** деб хайрлашар эди. У жавобим ҳазил эди, холос. Энди қардошлар даврасида бир хил саволдан чўчийман. Кўпгина ривожланган тилларга таржима ҳамон халқроқ атамалар ўзбекчада йўқ. Жуда узоқ вақт ҳоким бўлган, ҳозирда ҳам ўрнини бўшатмай кўзкараш, яъни бундай истилоҳларни таржима қилиб ўтириш керак эмас, деган гоё тилимизнинг бой имкониятларини йўққа чиқариб демакдир. Негарабчага, немисчага, русчага таржима қилинган атама ўзбекчада бўлмаслиги керак? Руслар **оксиген, гидроген, аэроплан** каби сўзларни алақаканон **кислород, водород, самолёт** қилиб олганлар. Биз дангасалар эса русчадан кўчирганмиз-қўйганмиз.

Истиқлол билан бирга ўзликни тиклаш замони келди. Тил — ўзликнинг бош белгиси. Ўз қадрини билмаган ўзганинг қадрини билмас, деган ҳикмат бор. Биз ўз она тилимиз қадрига етсак, араб тилининг бойлиги ва мукамал қурилишини қадрлаймиз, форс тилининг нафосати ва гўзаллигидан баҳра оламиз. Инглиз, рус тилларининг қудратини ҳис қиламиз. Уларни чуқур ўргансак, рақобат тўла бу оламда бамайлихотир қадам ташлаймиз.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Янги ЎЗБЕКИСТОН

УРУШНИНГ БИРИНЧИ ҚУРБОНИ

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

1990 йил апрелининг нурафшон тонгларида бирида кўхна Зоминнинг қадимий Ём қишлоғи одамлар билан гажжум бўлди. Қишлоқ четидаги қабристон томон оқиб келаётганларнинг охири кўринмасди. Катта-кичи, кекса-ёш — ҳамманинг боши эгик, кўзларида нам. Шу куни қабристонда одатдагидан бошқачароқ дафн маросими бўлди. Бундан салкам ярим аср муқаддам Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган Аваздат Ниёзматовнинг хоки қишлоқ қабристонига дафн этилди.

Хўш, Аваздат Ниёзматов ким эди? Бу саволга ойдинлик қиритиш учун урушнинг дастлабки кунларидаги воқеаларни эслаймиз. Аваздат шу қишлоқда туғилиб вояга етган. У ёшлитидан қаққон ҳаракатлари ва жасурилиги билан ажралиб турарди. От спортини билан шугулланиб, турли мусобақаларда бир неча бор ғолиб чиққан. Қишлоқда отчилик хўжалиги бўлиб, мудоффа қисмларига ҳарбий отлар етказиб берарди.

1940 йилда Самарқанд вилоятидан ҳарбий хизматга чақирилган Аваздат йигитлик бурчини Брест қалъаси атрофида ўтади. Уруш бошланишдан бир кун олдин — 1941 йил 21 июнда у Брест қалъасида хизмат қиладиган ҳамюрти Мадамин Ҳожиёв олдида келади. Дам олиш кунлари бўлгани учун икки дўст кечгача сайр қиладди, кино кўриб, ҳордиқ чиқаради. Шу кеча Аваздат дўсти билан қалъада тунаб қолади.

Брест қалъаси 1833-1838 йилларда Брест шаҳридан 2 километр ғарбда, Буг дарёси ўнг соҳилида бунёд этилган бўлиб, ўз даврининг мукамал қурилиш архитектурасига эга иншоот эди. Қалъа 2000 нафар ҳарбий оила аъзолари билан яшашига мўлжалланган. Аваздат



меҳмон бўлган кеча қалъага Москвадан санъаткорлар келган, барча ҳарбийлар оила аъзолари билан концерт томоша қилиб, рақсга тушган.

1941 йил 22 июнь саҳар чоғи бошланган уруш ҳаммани саросимага солади. Ҳали кўзини уйқу тарк этмаган аскарлар қўлга қурур олади. Урушнинг дастлабки дақиқалари ва ватан ҳимоysi худди шу Брест қалъасидан бошланади Аваздат учун.

Қалъа ичида аскарларнинг умр йўлдошлари, болачақалари, ўқувчилари яшарди. Аваздат уларни ертўларга жойлаштиришда жонбозлик кўрсатди. Қалъада шошилинч ҳарбий кенгаш тузилди.

Катта куч билан ташланган душман аскарлари қисқа вақтда қалъани камал этиб, дарвозаларидан ичкарига киришга ҳаракат қиларди. Тўрт томондаги дарвозалар қаршига пулемёт ўрнатиб, жангчилар дастафари чиқишига йўл қўймади. Қалъада мудоффа штаби тузилди, аскарлар ва ҳарбийлар оила аъзоларини ўрмонга чиқариш режиси устида бош қотарилади. Нисбатан заифроқ ҳужум уноштирилаётган шарқий дарвоза қаршидаги ўт очиш нуқтасини йўқ қилиш режалаштирилади ва бу вазифа оддий аскар Аваздат Ниёзматовга топширилади.

Авал бу топшириқни бажаришга киришган бир неча жангчи душман ўқидан ҳалок бўлади. Буни яхши англаган Аваздат бошқача йўл тутди. У қалъага оқиб кирувчи Буг дарёсини кечиб ўтиб, душманин ўт очиш нуқтасини йўқ қиладди. Қисқа фурсатда

қалъадаги 9 мингта яқин аскар ва уларнинг оила аъзолари ўрмон ичкарисига яширинишга улгуради. Аваздатнинг ўзи эса душман ўт очиш нуқтасини йўқ қилиш пайтида қаҳрамонларча ҳалок бўлади.

Узоқ давом этган уруш нихоят 1945 йил 9 майда ғалаба билан нихоясига етди. Омон қолган жангчилар уйига қайта бошладди. Кимдир қўлтиқтаёқда, кимдир бир қўли, яна кимдир боши боғланган ҳолда. Лекин Аваздатдан дарак бўлмади. Расмий жиҳатдан Брест қалъаси жангчилари сафида рўйхатда бўлмаган Аваздатнинг жасорати ва қаҳрамонлиги кўп йиллар номалумлигича қолаверди. Бу орада унинг онаси Хонбуви ая 29 йил ўғлининг йўлини пойлаб, 1970 йилда оламдан ўтди. Аваздатнинг укаси Холмат, сингиллари Хурсанд ва Рухсат бўйи етиб, турмуш қурди, бола-чакали бўлди. Лекин Аваздат ҳақида, у тирикми ё ҳалок бўлганим, ҳамон бирор янгилик йўқ эди.

Фақат 1982 йилда мақоламиз бошида тилга олинган Мадамин Ҳожиёвнинг эсдаликлари асосида Аваздатнинг Брест қалъасида ҳалок бўлгани тўғрисида дастлабки хабарлар пайдо бўлди. Аваздатнинг укаси Холмат акасининг жасоратини рўёбга чиқаришга кўп ҳаракат қилди. Бу йўлда унга 125-ўқчи полкнинг 2-батальони взвод командири Муҳаммадхон Абдувалиев катта ёрдам берди. У Аваздатнинг собиқ командири бўлган.

Ҳарбий архив ҳужжатлари сақланаётган Подолск шаҳридан Аваздат Ниёзматовнинг ҳақиқатан 1941 йил 22 июнь куни ҳалок бўлгани тўғрисида ҳужжат келди. Ана шу ҳужжат асосида 1988 йилда Брест қалъасидаги мемориал мажмуининг шон-шухрат лавҳасига Аваздат Ниёзматов номи ёзилди. Ўзгорилик лавҳасида жами 850 та ёзув бўлиб, шундан 226 жангчининг номи аниқланган. Шулардан бири Аваздат Ниёзматовдир.

1988 йилда яна бир қувончли хабар тарқалди. Аваздат Ниёзматовнинг қаҳрамонлиги Брест қалъаси илмий кенгаши, собиқ иттифок Мудоффа вазирлиги томонидан тан олинди, номи зарҳал ҳарфлар билан Брест мемориал мажмуаси мармар лавҳасига абадий ёзиб қўйилди. Қалъадаги музейнинг тўққизинчи залидан унга алоҳида жой ажратилди.

1990 йил апрель-май ойларида қаҳрамон жангчи ўқиган мактаб ўқувчилари, қариндош-уруғлари, сафдошлари иштирокида Брест қалъасига саёҳат уюштирилди. Ана шу саёҳат чоғида ҳарбий қисмлар, фахрий жангчилар билан учрашувлар ўтказилди. Учрашувлардан бирида собиқ полк командири Павел Севакот бундай дейди: “Жасур ўзбек ўғлини азиз жонидан кечиб, шу кун одамларимизнинг ўрмон ичига кириб олишига йўл очиб берди. Бу воқеа урушнинг дастлабки кунлари содир бўлиб, собиқ иттифок ҳудудида душманиннинг ўт очиш нуқтасини биринчи бўлиб портлатган мард жангчи Зомин ўғлини Аваздат Ниёзматов эди”.

Бу сўзлар биз, сафар иштирокчиларини гоёат руҳлантирди, қалбимизни фахр туйғусига тўлдирди. Сафар якунида Брест қалъасидан Аваздатнинг туپроғи олиб келинди ва Ём қишлоғи қабристонига унга рамзий қабр қўйилди.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганига 80 йил бўлди. Ватан ҳимоysi учун жанг қилган, азиз жонини фидо этган аскарлар номи ва руҳи мангуликка дахлдор.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
журналист

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ	Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ	Тахририятга келган қўл ёзмалик тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор. Газета тахририят компьютер марказида сақлалади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546. 36390 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Обфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов Мусаҳҳих: Насиб Абдуллаева Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-йў	Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05	“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.	ЎЗА якуни — 01:00 Тошпирилди — 01:05